2003 YIL 29 MAY, PAYSHANBA

# Qishloq Hayoti

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№69 (6.594). Sotuvda erkin narxda

# ЎЙЧИ ЎЙЛАГУНЧА, ТАДБИРКОР ТАДБИР ТОПАР

**Учкўприк туманининг Фарғонада ўз ўрни бор. Одамлари меҳнаткаш, еридан олтин ундирса бўлади. Фақат барча ишни расамади билан, тош-тарозига қўйиб бажариш керак. Шундай қилинса нафақат пахта ва ғаллачилик, балки чорвачиликни ҳам ривожлантириш мумкин.**

**Афсуски... Келинг, хулоса чиқаришга шошилмайлик.**

## ЭНГ ОСОНИ – БАҲОНА

Туманнинг Мирзааҳмад Деҳқонов номли хўжалигидамиз. Жамоа раиси Тоҳиржон Йўлчибоев биз билан юриб, даласини, ғалласини кўрсатди. Бинойидек. Энди фермани кўрсак, дедик. Раҳбарнинг кайфияти ўзгарди: Энг оғриқли жойимиз, шу чорва...

-Бормасак бўлмайди, - дедик. Раис ноилож йўл бошлади. Ҳайҳотдек бинолардан иборат ферманинг асосий қисми бўш. Дарвозадан кираверишдаги катта баланд айвон остида хашак қирқадиган, майдалайдиган механизмлар чанг босиб ётибди.

-Кейинги беш-олти йил ичида чорва бош сонини 500-600 бошга камайтириб юбордик, - дейди раис таассуф билан. -Ҳозир 240 бош қорамолимиз бор. Шундан 102 боши сигир.

-Демак, ҳар йили юз бошдан мол камайибди-да? – таажжубимиз ошди, - Шундай илғор хўжаликда-я?!

-Нима қилайлик, наслчилик хўжалиги эдик, ҳалиям шу мақомда турибмиз. Билсангиз, наслчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда бир шартли молга бир гектардан озуқа майдони тўғри келиши керак. Бизда... бор-йўғи 49,3 гектар озуқа майдонимиз бор. Шуни ҳам 31,5 гектари ўзимизда, қолгани фермерларда. Ўша чорва гуркираган 1995-96 йилларда минг бошга яқин қорамол бўлиб, 380-400 гектар бедазоримиз бўларди. 110-120 гектар дон учун, 70-80 гектар силос учун маккажўхори, 13-14 гектар қизилча экардик. 70-75 гектар арпамиз бўларди. Ўшанда ҳар сигирдан 10-12 литрдан сут соғиб олинарди. Энди... ҳар сигирдан бор-йўғи 3-4 литр сут олаяпмиз, холос. Ахир, мол жонивор еганига қараб беради-да. Қуруқ сомон билан гўшт-сутни кўпайтириш мумкинми? Шундай қилиб, асосий майдонларимиз бошқа экинлар билан банд. Номига 14 гектар атрофида бедамиз бор, холос. Чорванинг оқсаётгани сабаби шу. Озуқа экинларини кўпроқ режалаштириш керак. Хўжаликларга бу борада тўла эркинлик бериш лозим. Ҳозир ундай бўлмаяпти. Оқибат, аксарият хўжаликларда чорва туёғи йўқолиб боряпти. Борлари ҳам бизга ўхшаган амал-тақал...

ТАҲЛИЛ

## БАРАКА – МУЛКДОРЛИКДА

Тадбиркор йигит Равшан Ёқубов Улуғбек агрофирмасининг бошлиғи. У бундан роса ўн йил илгари ўз шахсий жамғармасидан 20 бош қорамол сотиб олиб, фермерлик фаолиятини бошлаган эди. Келгуси йили 8 гектар ер олди. 6,5 гектарига буғдой, қолганига маккажўхори экиб, ўз хўжалигини аста-секин йўлга қўя бошлади.

Агар юқорида биз тилга олганимиз М.Деҳқонов номли ширкат хўжалигида чорва бош сони олти йилда 600 бошга камайган бўлса, Равшанжоннинг хўжалигида 20 бош қорамол 130 тага кўпайиб, 150 бошга етибди. Олдинги йили бозордан 10 бош қўй олганди. Қўй барака деб бежиз айтишмас экан, икки йилда 70 бошга етди.

Ўтган йили Учкўприкнинг Улуғбек агрофирмаси давлатга 10 тонна гўшт, 40 тонна сут сотди. Ҳар сигирдан М.Деҳқонов номли ширкатда 1000 литрдан сут соғиб олинган бўлса, Равшанжоннинг фермасида бу кўрсаткич 2500 литрданни ташкил этди.

Равшанжон шу ўн йил ичида бўрдоқичилик ва сут етиштиришга мўлжалланган мажмуани бунёд этди. Бу ерда ҳамма шароитлар бор. Мана, икки йилдирки, агрофирма наслчиликка ихтисослаштирилди.

-Олтиариқдаги наслчилик корхонаси билан шартномамиз бор, - дейди Равшанжон, - Биз уларга ҳар йили 40-50 бошдан қора-ола зотли бузоқлар етказиб берамиз.

Ўтган йилни агрофирма 10 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Фойдаси ҳисобига 6 гектар эски, қаровсиз боғни ким ошди савдосида сотиб олиб, "Боғи Равшан" фермер хўжалигини ташкил этди.

Байрамларда ҳамқишлоқларига ҳиммат кўрсатиш Равшанжоннинг одати. Ўтган Наврўзда, Хотира ва Қадрлаш кунида 100 хонадонга гўшт, ун, гуруч, шакар каби байрамликлар улашди.

-Бу йилги фойдамиздан сутни, гўштни қайта ишлайдиган кичик корхоналар ташкил этиш ниятидамиз, - дейди Равшанжон. – Мақсад аҳолини юқори сифатли, арзон чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш. Ҳам қишлоқда янги ишчи ўринлари яратиш.

Мулк эгасини топса, мулкдор тиниб-тинчимас ва фидойи бўлса барака топади. Бунга эса Равшанжоннинг серқирра фаолияти мисол бўла олади.

## ДАРД КЎП, ДАРМОН-ЧИ?

Янгиқишлоқлик Авазхон Мавлонов хўжаликда 30 йил ҳисобчилик қилган марҳум Умрзоқ аканинг кенжаси. 34 ёшда. Одатда кенжа фарзандлар хиёл шўх, эрка бўлади. Авазхонларнинг қишлоғи Қўқоннинг шундоқ биқинида. У ҳам баъзи тенгдошлари сингари давангирдай қомати билан бозор оралаб сув, сақич сотиб тирикчилик қилиши мумкин эди.

Йўқ, у ундай қилмади. Бутунлай бошқа йўлдан кетди. Қўқон политехникумини тамомлаб, ҳамқишлоқлариникига газ, сув тушириб ҳам одамларнинг ҳожатини чиқарди, ҳам пулини, ҳам дуосини олди.

Бундан икки йил муқаддам Қўқоннинг бозорига тушиб, 8 бош қорамол сотиб олди. Оғилхонасини кенгайтирди. Молларни меҳр билан парваришлай бошлади. Ҳаш-паш дегунча чорвасини 20 бошга етказди.

-Молни кўпайтириш, семиртириш жону дилим, - дейди Авазхон. – Бизни молларга Қўқоннинг қассоблари жуда ишқибоз. Ўзлари келиб семирганини танлаб олиб кетишади. Ўтган йили тирик вазнда 4 тонна гўшт сотдим. Лекин топган даромадимиз ем-хашакка кетяпти, десам ишонаверинг. Ўтган йилнинг ўзида 1,5 минг пресланган сомон, 5 тонна кунжара, 4 тонна макка олдик. Сомонни тағинам даланинг ўзида 310 сўмдан, кунжарани 80 сўмдан, макка дони килосини 75 сўмдан сотиб олдим. Яна 8 тонна шелухаям олдим. Бир бош шартли молга 30 сотихдан ер бўлиши керак экан. Бу деган сўз менинг 20 бош молим учун 6 гектар ер берилиши керак. 6 гектар тугул 6 сотих ер беришларига кўзим етмайди...

Мана, сизлар, матбуотда ишлайсизлар, битта саволимга жавоб беринглар, мол боқишнинг ўзи бўлмайди. Ҳар бир қишлоқда менга ўхшаган 10-20 бош мол сақлаётган одамлар бармоқ билан санарли. Биздақаларга имтиёзли нархларда, ишлаб чиқариш баҳосида ем-хашаклар сотилса бўлмасмикин?

Ахир, халқда бўлса бозорда бўлади. Маҳсулот қанча кўп бўлса шунчалик арзон бўлади. Шундай эмасми?

Газ босими жуда паст. Емни эса қайнатиб бермаса бўлмайди. Ишонасизми, 300 минг сўмлик ўтин сотиб олиб қиши билан ёқдим.

Шунақа гаплар... Худога шукур деймиз, тирикчилигимиз ўтиб турибди. Лекин фойда кўраётганимиз йўқ.

Қишлоғимизда муаммолар йиғилиб қолган. Чойхона ишламайди. Магазин талабга жавоб бермайди. Қассобхона берк.

Фойда кўрсам, қишлоқ ободончилигига ҳисса қўшсам, дейман. Ҳа, харажат катталигидан, рости орттириб бўлмаяпти.

Хўжаликда ер тақчил. Ҳар бир қаричи ҳисобда. Сўрашгаям истиҳола қиласан...

...Хўжалик шахсий, манфаати эса умумий. Авазхоннинг мулоҳазалари эса... Ҳа, ҳар бир қишлоқ, маҳалланинг чорвага ишқибоз, эл маъмурчилигига, дастурхонларимизни тўкин этишга бел боғлаган юзлаб, минглаб Авазхонлари бор.

Мана, энди ўзингиз хулоса чиқаринг, чорвачилик мулкчиликнинг қайси шаклида ривож топаяпти? Бозорда сут-қатиқ ва гўштнинг кўпайиши, арзон бўлишига ким қандай ҳисса қўшаётир?.. Бу соҳада қандай муаммолар бор-у, уни қай тарзда ҳал этиш мумкин? Бизнингча, соҳанинг мутасаддилари узоқ ўйлаб юришдан, амалий ишга ўтиш вақти етганини англасалар ёмон бўлмасди.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун 28 май куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.***

ШҲТга аъзо мамлакатлар раҳбарлари саммити 29 май куни Москвада, МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг норасмий учрашуви эса 30 май куни Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтади. Мамлакатимиз раҳбари, шунингдек, Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда ҳам қатнашади.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида қуйидагиларни айтди:

- Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолият бошлаганидан буён ўтган вақт давомида унинг аъзолари асосан ШҲТнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш, ташкилот доирасидаги ижроия механизмларини яратиш каби ташкилий масалалар билан шуғулланиб келган. Ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг бу галги учрашувида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, ШҲТнинг истиқболдаги фаолиятини белгилаб беришга қаратилган қатор ҳужжатлар кўриб чиқилади. Бу ҳужжатлар қабул қилингач, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти келажакда қайси йўналишдан бориши лозимлиги янада яққолроқ намоён бўлади.

Маълумки, бу ташкилот янги тузилганида унинг фаолияти асосан бир-бирига чегарадош мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Икки йил аввал унга Ўзбекистон ҳам қўшилиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти пайдо бўлди. Шундан кейин мазкур тузилманинг мақсад ва вазифалари янада кенгайди. Хавфсизликни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни, иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлади. Москвадаги саммитда шу масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Москвада ШҲТ саммити якунларига бағишланган махсус декларация имзоланиши мўлжалланмоқда.

Саммитда, шунингдек, хазфсизлик, хусусан, терроризмга қарши кураш, террорчилик марказларини қўллаб-қувватлаётган, молиявий жиҳатдан таъминлаб турган кучларнинг томирини қирқиш масаласига ҳам эътибор қаратилади. Бундан ташқари, кун тартибидан иқтисодий масалалар ҳам жой олган. Давлатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини ривожлантириш, жаҳон бозорига чиқиш учун бир-бирига кўмаклашиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмайди, - деди Ислом Каримов.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

***МОСКВА. 28 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Москвага келди.***

Шу куни ШҲТга аъзо олти давлат раҳбарларининг ўзаро норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларнинг ҳозирги аҳволи, ШҲТ доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар хусусида фикрлашилди.

ШҲТга аъзо давлатлар - Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой давлатлари раҳбарларининг асосий учрашувлари 29 май кунига мўлжалланган.

**(ЎзА)**



*Аёл билан мунаввар олам.*

Т.МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

ДАВР

***Бу йил деҳқонларга осон бўлмади. Кетма-кет ёғингарчилик, об-ҳавонинг салқин келиши, дўл ёғиши кўпгина майдонларга чигитни қайта экишни тақозо этди.***

## ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Шундай бўлса-да, сирдарёликлар умумий майдоннинг 81 фоизида тўлиқ гектарлар ҳосил қилишди. Қолган қисмида ҳам уруғни ундириш чора-тадбирлари кўриляпти. Аммо баъзи жойларда дала ишларини амалга оширишда сусткашликка ҳам йўл қўйиляпти. Шу боис республика бўйича биринчи культивация тўлиқ қаторларда амалга оширилган бўлса-да, бу тадбир Сирдарёда 47,5 фоиз бажарилган, холос.

Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ана шулар ҳақида гап борди. Унда сўзга чиққанлар ғўза парваришига эътибор кучайтирилса, хирмон баракали бўлишини эътироф этишди. Мажлисда шунингдек, вилоятда ғалла ўрим-йиғими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳақида ҳам сўз борди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков нутқ сўзлади.

**Ш.ХОЛМУРОДОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## КУТУБХОНА БОЙИМОҚДА

***Газетамизнинг 2003 йил 18 апрелдаги сонида “Кутубхона нажот сўрайди” сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Яқинда ушбу мақола юзасидан маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.Эрназаровдан жавоб хати олинди.***

“Мақолада кўтарилган кутубхоналарнинг бугунги аҳволи, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, янги адабиётлар, даврий нашрлар ҳисобига кутубхоналар фондини тўлдириш, китобхонларга хизмат кўрсатишни яхшилаш масалалари вазирлигимиз томонидан ўрганиб чиқилди.

Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳокимлиги ушбу мақолада кўтарилган масалалар бўйича махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ туман маданият ишлари бўлимига кутубхонани бир ой муддатда бошқа бинога кўчириш, туман марказлашган кутубхоналар тармоғида китобхонларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда кутубхонага услубий-амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилган.

Туман маданият ишлари бўлими шу йилнинг 12 май куни ўзининг кенгайтирилган кенгашида мақолада кўтарилган муаммоларни атрофлича муҳокама этди. Кутубхоналар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлари учун туман марказий кутубхонаси директори Ф.Мусурмоновга ва 45-тармоқ кутубхонасининг мудири О.Алиқуловга ҳайфсан эълон қилиниб, қайд этилган камчиликларни тугатиш учун бир ой муддат берилди. Шунингдек, мазкур кутубхонага туман марказий кутубхонаси томонидан янги адабиётлар берилган ва доимий китоб кўргазмаси ташкил этилган.

Вилоят маданият ишлари бошқармаси тасарруфидаги барча кутубхоналардаги аҳволни ўрганиш ва мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар белгилаб, уларни амалга оширишга киришди”.

## “ҒАП ОШДАМИ Ё МОШДА”

***“Қишлоқ ҳаёти” газетасининг 2003 йил 24 апрелдаги сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида сўз юритилган эди.***

Яқинда ушбу мақола юзасидан Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи А.Меликуловдан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилади:

“Мақола коллеж жамоаси ўртасида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Коллеж фаолияти бошқарма ходимлари томонидан ўрганилиб, бошқарманинг 2003 йил 29 апрел А-49-рақамли буйруғи билан коллеж директори ва унинг ўринбосарларига интизомий чоралар кўрилганлигини маълум қиламиз”.

## МУЧАЛ ТЎЙИНИНГ ҲИКМАТИ

***Айни кунларда ўзининг мучал тўйига тараддуд кўраётган Республикамиз Истиқлоли сирли-синоатли, тарихан серҳосият 12 рақами қуршовида турибди.***

Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан бир республика ва 12 вилоятдан иборат Ватанимиз байроғидаги юлдузлар сони ҳам 12 та. Ана шу далилларнинг ўзиёқ Ўзбекистон тақдирида бу рақамнинг аҳамияти катта эканини исботласа, қуйидагилар мучал ёшидан ватандошларимизга кўп ваъдалар нишонасидир.




Қадимги ҳиндлар бир эмас, нақд 12 та қуёш мавжудлиги ҳақида тасаввурларга эга бўлишган. Гўёки, улар 12 ой давомида навбати билан алмашиниб турган. Санскрит тилидаги ёзма ёдгорликларда айтилишича, ушбу қуёшлар ҳаётнинг асосий манбалари ҳисобланган.

(Давоми 2-бетда)

ФЕРМЕР

***Республикамиз харитасида мўъжазгина жойни эгаллаган Андижон вилоятида суғориладиган майдонлар аҳоли сонига нисбатан шу қадар чекланганки, ҳар қарич ер ҳамиша элнинг кўз олдида туради.***

## ҲАР ҚАРИЧ ЕР ҲИСОБДА

Бундай шароитда берилаётган имкониятга нисбатан масъулият шу қадар кучлики, фермерчиликка қўл урган одам ҳамиша изланишда бўлади. Бугунги кунда Андижонда 3455 нафар фермер бор. Уларга ажратилган ер майдони 32527 гектар. Жорий йилда фермерлар 44754 тонна пахта, 34555 тонна буғдой, 237 тонна гўшт, 2039 тонна сут, 100 минг дона тухум, 1877 тонна сабзавот, 180 тонна мева, 20 тонна узум маҳсулотлари етказиб бериш бўйича тайёрлов идоралари билан шартномалар тузишган.

(Давоми 3-бетда)

## ЛИЗИНГ - ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

***2002 йилда мамлакатимиздаги лизинг компаниялари томонидан умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд икки ярим минг лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳаларда «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг улуши катта. Халқаро молия корпорацияси таҳлилига кўра, у Ўзбекистондаги олти лизинг компанияси ўртасида ўтказилган лизинг операцияларининг ҳажми бўйича биринчи ўринда туради.***

- Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар лизингни иқтисодиётга кенг жорий этиш заруриятини кун тартибига қўйди,- деди мазкур компания бошқаруви раиси Одилбек АХМЕТОВ ЎзА мухбирига. - Фақат лизинг орқалигина катта маблағ сарфламасдан асосий ишлаб чиқариш воситаларини қисқа муддатда янгилаш, замонавий технологияларни жорий этиш мумкин.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг барчаси ҳам ўзига зарур техникани сотиб олиш учун етарли молиявий маблағга эга эмас. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам фойдани тўлиқ янги техника сотиб олиш учун йўналтириш самарасиз иш ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

ФАХР

***Ибодулла ака фарзандларини бирини қош, яна бирини кўз, деб билар, ўғил-қизларини жониданда азиз кўрарди. У ясаган кулолчилик буюмларига ҳар бир нақш она юртга, фарзандларга меҳр-муҳаббатнинг сержило акси бўлиб тушарди.***

## ЎЧМАГАН ЧИРОҚ ЁҒДУСИ

Бу рангин нақшлар фарзандлар юрагига ҳавас, иштиёқ етаклаб кирди. Кулол улар қўлидан чиққан, лойдан ясалган жажжи буюмларга боқиб ич-ичдан қувонарди. Фарзандларини ўз ҳунаридан воқиф этмоқ уста номини эл олдидаги эътиборини янада орттирди.

Афсуски, Ғиждувон миллий кулолчилик санъатининг унутилган анъаналарини қайта тиклаган, унинг довруғини етти иқлимга ёйган Ибодулла ака айни нафақа ёшида дунёдан ўтди. Бемаврид эсган айрилиқ шамолидан этлар жунжикди. Фақат кўнгилларда бир таскин қолди: ота ёқиб кетган чироқ ўчмайди.

(Давоми 4-бетда)

## СИРЛИ БИТИК СИНОАТЛАРИ

***“Сувга чўккан хазина”, “Троя хазинаси” дея ном олган тарихий дафиналар ҳақида кўп эшитганмиз. Улар қаторидан эндиликда Туямўйин хазинаси ҳам жой олган, десак хато бўлмайди.***

XX асрнинг 40-йилларида Сергей Толстов бошчилигидаги археологик экспедиция Хоразмда олиб борган тадқиқотларида кўпгина моддий ва маънавий топилмаларни қўлга киритгани маълум.

МОЗИЙ

Айниқса, С.П.Толстов Шимолий Қорақум ва Жанубий Хоразм кенгликларида олиб борган археологик изланишларида эрамиздан VI минг йил аввалги ибтидоий жамоа тузуми даврига оид ишлаб чиқариш қуролларини топган эди.

Хусусан, Катта Туз кони атрофларидан 30 та ўқ-ёй ва бошқа ноёб меҳнат қуроллари ҳам топилганди. Шунингдек, археологлар Амударё соҳилларидаги хилхоналарни ҳам тадқиқ қилганларида шу нарса аён бўлдики, марҳумнинг танасига қизил бўёқ сепиб, зебу зийнат ва идиш товоқлар билан бирга қабрга кўмилган экан.

(Давоми 4-бетда)

ҲИКМАТ

*Қаердаки ҳақиқат излаш бошланса, ўша жойда ҳамиша ҳаёт бошланади: ҳақиқат излаш тўхтаган заҳоти ҳаёт ҳам тўхтайди.*

ЖОН РЕСКИН

"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

КЕЛГУСИ СОНДА:

“ЎЙИН”ДАН ЎТ ЧИҚДИ

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

ҲУШЁР БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!




## "АНТИҚА МЕҲМОН"

***Боёвутдаги йиғилишни тугатиб уйга қайтаётган фаоллар йўл четида уч-тўрт нафар одам қўл қовуштириб турганларини кўришди. –Қани, тўхтанг, билайлик-чи, нима гап экан, - деди котиб.***

Катталар машинадан тушишди.

Улардан бири: "Акалар, мен бригада бошлиғиман, 30 центнердан ҳосил олаяпман" дея ахборот берди.

-Мирзачўлда ҳам ташаббускорлар кўп экан-ку, -деди котиб.

-Қани, дала шийпонимизга марҳамат, бир пиёла чойимиз бор эди.

Меҳмонлар дала шийпонига ўтишди.

Ҳовузнинг ўртасида катта сўри қурилган бўлиб, чиройли дастурхон безатилиб қўйилганди.

Бир пиёла чой ичилгач, хўжалик раиси:

-Катта бова, Марказдан иккита меҳмон келишган эди, шуни дастурхонга таклиф қилсак, нима дейсиз, -дейди.

-Ие, қани, қани, нимага дарров айтмадинглар. Чақиринг буёққа ,- ҳаммалари ўринларидан туриб кетди.

-Сиз ўтираверинг, буларни мана бундай чақираман, - деб сўри устига ип билан иккита бўйнидан бойланган "Московская особая" арогини тортиб олишди.

Меҳмонлар бир-бирларига маъноли қарашди, сўнг гур этиб кулги кўтарилди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ**

## ҲУШЁР ТУР, ТАҒИН УЧМАСИН...

***Ўтган асрнинг 50-йиллари. "Хитой" қишлоқ Кенгаши раиси Манглибоев ишдаги ютуқлари учун "Москвич" машинаси билан мукофотланади.***

Қишлоқ одамлари заррача саводи бўлмаган бу кишининг барваста гавдасидан, юзининг ярмини эгаллаб турган шоп мўйловидан ҳайиқар, қаттиққўллигидан қўрқардилар. Раис бува қаерга борса, "Москвич"да юрар, бунинг билан ўзининг ҳукумат олдидаги мавқеини кўрсатмоқчи бўларди. Шундай кунларнинг бирида, айни туш пайти ёнилғи тугаб, "Москвич" ўт олмай қолса бўладими?! Ҳайдовчи раисга кўп йўл юрдик дейишдан қўрқиб, бакнинг оғзи очиқ қолиб, бензин учиб кетибди, дея важ кўрсатади.

-Майли, мен Йўлдош бригадирникида бироз бўламан. Сен ҳушёр тур. Бензин қайтиб келиб бакка кириши билан оғзини маҳкам бекит-да, изимдан бор, - деди у машинадан туша туриб.

## ТУХУМ ТОПШИРМАГАЧ...

***Манглибоев саводсиз бўлса-да, хотираси ўта кучли экан. У ҳисоботларни ҳам котиби Ярашбойга иккиуч бора ўқитиб, ёдлаб оларкан-да, ўзига ишонч ҳосил қилгач, йиғилишга ҳеч нима ёзилмаган ён дафтарини олиб боравераркан.***

Урушдан кейинги йиллари, оилалардан ҳар куни гўшт, сариёғ, тухум йиғиларди. Ҳафталик ҳисоботни муовини йиғилишга кетганлиги сабабли Фарғонадан яқиндагина райижрокўм раислигига юборилган Қаюмовнинг ўзи олади. Навбат Манглибоевга келганда у одатдагидек кители чўнтагидан қалин дафтарчасини олиб, ҳисоб бера бошлайди. Сўнгги жумлани англай олмаган Қаюмов, - бу кўрсаткичларингиз яхши, хўш тухум қандай бўлди, деб сўрайди.

-Бизга тухум (Хоразмда тухум дейилганда уруғ тушуниладн) топшириш айтилмаган, дейди у мўйловини бураб.

-Демак, бугун сиз тухум топширмагансиз.

-Ҳовва, - дейди у маҳмадоналик билан. - Айтилмаган нарсани ман нега топшираман?

Ўша куни у фаолиятида биринчи марта "ишга совуққонлиги учун" танбеҳ олган экан.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# МУЧАЛ ТЎЙИНИНГ ҲИКМАТИ

(Боши 1-бетда)

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, қадимда ҳинд гўзаллари учун 12 ёш балоғат остонаси саналган. Ҳатто брахманлар (олий табақа кишилари) 12 ёшдан ошган "қари" қизларга уйланишмаган.

Шарқ халқларида (қисман Ғарбда ҳам) инсон тақдири ва 12 рақами билан боғлиқ тушунчалар изчил шаклланган. Бу нужум илми нуқтаи назаридан изоҳланган. Қуёшнинг бир йиллик, Зуҳал (Сатурн)нинг 60 йиллик, Муштарий (Юпитер)нинг 12 йиллик циклига асосланган мучал тақвими ҳам шулар жумласидан, албатта. Шунингдек, мучалнинг ҳар бир санаси биттадан ҳайвон номи билан аталишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ер куррасининг 360 даражадан иборат айланма ҳаракати ҳар бири 30 даражали 12 бўлакка ажратилган ва у бурж ("белги") деб номланган. Қуёш ўз ҳаракатида бир буржадан иккинчисига ўтар экан, унинг қуввати ҳам, таъсири ҳам ўзгаради. Мунажжимлар асрлар давомида унинг маълум қонуниятларини, даврийлигини ва унга асосан турфа хил толеномаларни ишлаб чиқишган. Уларнинг фикрича, кишилар руҳияти, феъл-атвори 12 тоифага бўлинади. Буржнинг бутун цикли баҳорги тенгкунликдан, яъни 22 мартдан бошланади.

Мусулмон Шарқининг машҳур қамарий тақвимида ҳам 12 ой мавжуд бўлиб, у Ойнинг ҳаракатига асосланади. Бунда ҳар янги йил аввалгисига нисбатан 11 кун олдинроқ бошланади. Қамарий тақвим ойларининг тартиби тубандагича: муҳаррам, сафар, раббиулаввал, раббиуссоний, жумодилаввал, жумодилохир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа.

Ўн икки – марказий сон. Йил, ой, кун, тун, соат, дақиқа, сония сингари вақт ўлчовлари, самовий жисмлар ҳолати ва фазовий миқдорларда бу айниқса яққол намоён бўлади. Чунончи, Ер шари (ёки умуман ҳар қандай юмалоқ жисм) 360 даражалидир. Жуда кўп вақт ўлчовлари, мутлоқ сонлар 12 га қолдиқсиз бўлинади. Ҳатто бир сонияда 300 чақирим масофани ўтилувчи тўртинчи космик тезлик ҳам 12 га қолдиқсиз бўлинади.

Ислом динида намознинг 12 фарзи бор. Таҳорат ва таяммумнинг 4 тадан, ғусл, рўза ва ҳажнинг учтадан фарзи бор. Шаръий ҳукмларда макруҳ ишлар 300 хил, мустакраҳ (енгил) макруҳлар 60 та экани кўрсатилган. Марфуъ ҳадисларда Қиёматнинг аломатларидан 72 таси баён этилади. Булар ҳам 12 нинг марказий сон эканига далил.

Жаҳон ҳуқуқшунослигидаги илк кодекслар (яъни, махсус тахтачалар) ҳам айнан 12 бандни ташкил этган. Гап эрамиздан аввалги V асрда кўҳна Рим қонунлари ҳақида кетмоқда. Унда инсон ҳаётининг барча жабҳаларига дахлдор 12 туркум қонун 12 тахтачага ўйиб ёзилган. Унинг асл нусхалари галларнинг Римга ҳужуми чоғида (IV аср) йўқотиб юборилган. Юнонистон мактабларида ўқувчилар билими 12 балли тизимда баҳолангани антик дунё тарихидан маълум.

Исо пайғамбарнинг хос шогирдлари 12 нафар бўлишган. Улар ҳаворий (юнонча "апостол" – "юборилган") деб аталган.

Ривоят қилишларича, Худонинг жамоли балқиган Қуддус шаҳри Арши Аълодан Ер юзига туширилган. Қадимда унинг 12 дарвозаси бўлиб, улар устида 12 фаришта ўтирган. Шаҳарнинг 12 пойдевори 12 хилдаги қимматбаҳо тош билан безалган.

Инжилда шундай гап бор: алмисоқда 144 минг хос бандага Худонинг муҳри босилган. Улар бани Исроилдаги 12 қабиланинг ҳар биридан 12 минг кишидан танлаб олинган.

Иброҳим Ҳалилуллоҳнинг Аллоҳ учун фарзандлари бўғзига ханжар қўйганлари ва тиғ кесмагани ҳақидаги кўҳна ҳикоя маълум ва машҳур. Шул боис, у зот Исмоил Забиҳиллоҳ номини олганлар (арабча: забҳ – сўйилган). Тавротда айтилишича, Исмоил Забиҳиллоҳнинг 12 нафар ўғиллари бўлган экан.

1420 йили чех халқи золимларга қарши бош кўтарди. Таборийлар 5 август куни ўз талаблари битилган манифестни ҳокимият олдига қўйдилар. Эрк ва озодликнинг ўзига хос дастури бўлган мазкур ҳужжат ҳам 12 банддан иборат бўлиб, тарихда "Ўн икки Прага моддаси" деган ном олди.

"Темучин (Чингизхон) Қорачор Нўён маслаҳати билан Керойит подшоҳи Ўнгхон билан илк жангда иштирок этган ҳар бир гуруҳга йўл ва расм тайин қилди. Токи, авонғор (боронғор – қўшиннинг ўнг қаноти) ва жавонғорда (майсара – қўшиннинг чап қаноти) 12 кўр ҳосил бўлғай" деб ёзади Мирзо Улуғбек "Тўрт улус тарихи" китобида.

Европа Иқтисодий ҳамжамиятига (ЕИҲ) аъзо мамлакатлар сони ҳам 12 тани ташкил этади: Франция, Англия, Германия, Дания, Греция, Италия, Испания, Ирландия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва Португалия.

Ўн икки рақамининг шарофатидан сўз очдик. Азал котиби бу сирли рақам пешонасига битган фазилатлар адоқсиз. Бу Истиқлолнинг 12-ёши орзулар рўёби учун қулай фурсат бўлмоғига нақд далил. Ва яна айта оламизки, "ўн икки"нинг мустақиллик яратажак буюк мўъжизалари ҳали олдинда. Уларнинг ҳам ҳуррият, жасорат ва меҳнат обидасига айланиб дунё тургунча турмоғи шак-шубҳасиз.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Ўтган йили Чироқчи туманида аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳозир бу ерда қишлоқ хотин-қизларига устоз-шогирд усулида тикувчилик ва тўқувчилик сир-асрорлари ўргатилмоқда. Бундан ташқари марказда қишлоқ аҳолисига имтиёзли медицина хизмати ҳам кўрсатилмоқда.**

**СУРАТДА: Дилором Суярова (ўртада) Дилафрўз Қораева ҳамда Наргиза Жумановаларга тўқувчилик сирларини ўргатмоқда.**

Абдурасул ПАРДА олган сурат.

**АКС-САДО**

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг шу йил 2 май сонида босилган "Асаларичилик: муаммолар барҳам топадими?" сарлавҳали таҳлилий мақолани диққат билан ўқиб чиқдим. Мақолада долзарб масала кўтарилган, кишини мулоҳазага ундовчи фикрлар айтилган.***

## АСАЛАРИЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИМИ?

Дарҳақиқат, асал - тенги йўқ неъмат. Унинг инсон ҳаёти учун қанчалар фойдали эканлигини кўпчилик яхши билади. Табобатда асалдан ҳар хил касалликларни даволашда кенг фойдаланилади. Бундан ташқари, асал халқ хўжалигининг жуда кўп соҳаларида, чунончи, авиация, электротехника, автомобиль, ойна, қоғоз, тўқимачилик саноатида ҳам ишлатилади. Асаларилар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда катта роль ўйнайди.

Ўзбекистонда мевали дарахтлар кўп. Уларни асаларилар ёрдамида чанглатилса, яхши ҳосил беради, сифат ва самара юқори бўлади.

Афсуски, кейинги пайтларда асаларичилик соҳаси умуман эсдан чиқариб юборилди. Мазкур соҳага эътибор умуман сусайиб кетди, деса ҳам муболаға қилмаган бўламиз. Маълумки, ҳозирда асаларичилик билан фақатгина Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Асал" уюшмаси шуғулланади. Соҳанинг бугунги аҳволи ҳам бевосита шуларга боғлиқ.

Лекин нима учундир йиғинларда пахтачилик, мева-сабзавот, ёрдамчи ва ўрмон хўжаликларида асаларичиликни ривожлантириш тўғрисида гап бормайди. Ахир, мазкур соҳа ҳам даромадли ҳисобланадику?..

Биргина "Асал" уюшмасининг республика асаларичилик соҳасини ривожлантириш учун қурби етмайди, албатта. Асаларичилик шу даражага тушиб қолганки, бу борада махсус ҳукумат қарори қабул қилиш билангина ана шу муаммоларга барҳам бериш мумкин, холос назаримда.

1981-1990 йилларда республикамиздаги асаларичилик соҳасига назар ташласак, мазкур йилларда соҳа анчайин яхши ривожланган эди. Лекин 1991-2000 йиллардаги асаларичиликни бу давр билан таққослаб бўлмайди. Сабаби асал етиштириш 2000 йилда 1991 йилдагига нисбатан 16864 тоннага камайиб кетди. Яъни 1991 йилда 19544 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 2685 тоннага тушиб қолди.

Асалари оиласи 3 мартага, асал ишлаб чиқариш эса 7,7 мартага озайди. Юқорида келтириб ўтилган рақамларни ҳисоблаб кўрсак, қанчадан-қанча зарар кўрилаётгани маълум бўлади. Хўш вазиятни ўнглаш мумкинми? Албатта... Фақат бунинг учун соҳага энг аввало пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари қаторида эътибор қаратиш лозим. Шундан кейин соҳада жиддий ўзгариш бўлишига ишонса бўлади. Асаларичиликнинг ривожи эса юртимиз иқтисодиёти учун жуда муҳимдир.

**Акбар НАБИЕВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

# ЛИЗИНГ - ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

(Боши 1-бетда)

Қишлоқ хўжалик корхоналари лизингга олинган техника учун тўловларни бир неча йил мобайнида амалга оширади. Бу муддат ичида техникадан фойдаланиш натижасида топилган фойданинг бир қисми лизинг тўловларини қоплаш учун йўналтирилади. Агар табиий инфляция жараёнининг техника қиймати ва лизинг фоизлари миқдорига таъсир этмаслигини инобатга олсак, лизинг тизими лизинг олувчи учун нечоғлик фойдали экани янада ойдинлашади.

Қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий техника билан таъминлашни рағбатлантириш ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1999 йил 30 октябрда «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилганди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясига мамлакатимиздаги машина-трактор парклари (МТП), кооператив, ширкат ва фермер хўжаликларига Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг молиявий манбалари асосида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникасини имтиёзли лизинг шартларида етказиб беришни амалга оширишдек муҳим ва масъулиятли вазифа юклатилди.

Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик корхоналарининг техникага бўлган эҳтиёжи жуда юқори эканини ҳамда уларнинг тўлов қобилияти даражасини ҳам ҳисобга олиб, техникани лизингга олишда хўжаликлар учун бир қанча енгилликлар яратиб берди. Лизинг муддати 7 йил, техника қийматининг 15 фоизи олдиндан тўланиши ва йиллик лизинг маржаси фоизининг миқдори Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги каби имтиёзлар шулар жумласидан. Компаниямиз ташкил топганидан кейинги ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалик корхоналарига лизинг шартлари асосида 5000 дан ортиқ лойиҳа бўйича 82 миллиард 447,4 миллион сўмлик 6220 дона техника етказиб берилди.

2002 йилда жами 2299 дона турли русумдаги трактор ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникаси лизинг шартномаси асосида етказиб берилган бўлса, шундан 529 таси фермер, 1649 таси ширкат (кооператив) хўжаликларига ва 121 таси машина-трактор паркларига берилди.

Лизинг маржасининг Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси 50 фоизидан юқори бўлмаслиги белгиланган. Бу ҳозирги вақтда йилига 15 фоиз дегани. Лекин компания Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналарининг манфаатидан келиб чиқиб, ўз маржаси фоизини йиллик 12 фоиздан ошираётгани йўқ. Техника узоқ муддатга, яъни 7 йилга лизингга беріляпти. Етти йил - бу техниканинг амортизация муддати билан тенг дегани.

Ривожланган давлатларда ҳам қишлоқ хўжалик техникаси ўртача 3-5 йилга лизингга берилишини ҳисобга олсак, бу Президентимиз Ислом Каримов томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасини қўллаб-қувватлашга берилаётган яна бир жиддий эътибордан далолатдир. Таъкидлаш жоизки, лизинг муддати даврида лизинг олувчилар мулк солиғи тўлашдан озод этилган.

Кўрсатиладиган лизинг хизматлари таннархини камайтириш учун лизинг компанияси беш йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилинган. Бу ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарига кўрсатилаётган лизинг хизматларининг арзонлашувига сабаб бўлади.

Компания ўз фаолиятида қишлоқ хўжалик техникасини етказиб берувчи заводлар ва қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда лизинг олувчилар билан ҳам шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни ўрнатди ва лизинг механизмининг тўлиқ ишлашини таъминлади.

Ҳукуматимизнинг юқорида номи зикр этилган қарори қишлоқ хўжалик техникасини лизингга беришнинг ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва инфратузилмавий масалаларини ҳал қилди ва «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «Қишлоқ хўжалик техникасини лизингга олиш тартиби»ни белгилади.

Ўтган йили «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналари «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» орқали 26 миллиард 729,6 миллион сўмга молиялаштирилди. Таъкидлаш жоизки, лизинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус жамғарма ташкил қилинган вақтдан буён «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналари «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» орқали лизингга етказиб берилган қишлоқ хўжалиги техникаси учун жами 64 миллиард 339 миллион сўмга молиялаштирилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларини лизинг соҳасига ўргатиш, уларни янги иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва мулкий муносабатлар тизими билан таништириш, бозор иқтисодиёти талаблари асосида янгича фикрлашни уйғотиш лозим. Шу мақсадда компаниянинг жойлардаги барча филиалларида лизинг олувчилар учун ўқув семинарлари ўтказилиб, доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Компаниямиз қишлоқ хўжалик корхоналарининг талабини эътиборга олган ҳолда лизингга берилаётган техника турини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратяпти. Агар 2000 йилда, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 2-3 хил русумдаги тракторлар лизингга берилган бўлса, ҳозирги вақтда 5 хил русумдаги трактор ва 10 дан ортиқ турдаги бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳам таклиф қилинмоқда.

Буларнинг ичида республикамиздаги «ЎзКейсмаш» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Кейс-2022» русумли пахта териш машиналари, «ЎзКейстрактор» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган МХМ-140 русумли тракторлардан ташқари чет элда ишлаб чиқарилган «Мультимастер» русумли омоч ва «Амазоне» дон экиш сеялкаси ҳам бор. Бозор талабидан ва компаниянинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда лизингга берилаётган техника турини бундан кейин ҳам кенгайтириб бораверамиз.

Бугунги кунга келиб компания ўз акцияларини тўлиқ жойлаштирди ва устав жамғармасини 1,3 миллиард сўмга етказди. Зарур миқдорда фойда олиш ва уни реинвестиция қилиш орқали фаолиятни кенгайтириш ҳам асосий режалар қаторига киради. Чунки бу компанияга ўзига юклатилган вазифаларни ҳал этишда қўшимча имкониятлар яратади.

Компания 2003 йилнинг ўтган даври мобайнида қишлоқ хўжалик корхоналарига 650 дан кўпроқ техника етказиб берди. Шу йил охиригача 1600 дан ортиқ ТТЗ ва 60 дона МХМ-140 русумли трактор ва 300 тадан ортиқ бошқа турдаги техникани қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб беришни режалаштирганмиз.

**Меҳри БОЛЛИЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## МОСКВА САММИТИ

***Кремл маъмурияти бошлиғи ўринбосари Сергей Приходьконинг "Новости" ахборот маҳкамасига маълум қилишича, кеча Москвада Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтган.***



Бугун бўладиган расмий учрашувда эса мазкур ташкилотга аъзо олтита давлатнинг ўзаро ҳамкорликларини ва минтақадаги барқарорликни таъминлаш борасида янада изчил ҳаракат олиб борилиши ҳақида гап боради. Шунингдек, 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тўлақонли халқаро ташкилот сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Ушбу нуфузли саммитда Россия, Хитой, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

## ЖАЗОИРДА ЯНА ЕР ҚИМИРЛАДИ

***"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Жазоирда яна ер қимирлади ва бунинг оқибатида 9 киши ҳалок бўлиб, 200 га яқин киши жароҳат олган.***



Сўнгги бир ҳафта ичида иккинчи бор кузатилган ер қимирлаши Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллга етган ҳамда унинг маркази мамлакат пойтахтидан 50 километр узоқликдаги Земмури шаҳрига тўғри келган. 21 май куни юз берган 6,7 балли ер қимирлаши эса 2218 кишининг ўлимига ҳамда 9500 кишининг жабрланишига сабаб бўлган эди. Шунингдек, табиий офат туфайли мамлакат иқтисоди ҳам зиён кўрди. Ҳозирда халқаро ҳамжамият кўмаги билан Жазоир ҳукумати қутқарув ва тикланиш ишларини олиб бормоқда.

## АҚШ: БАЁНОТГА ИШОНИШ ҚИЙИН

***Расмий Вашингтон Теҳроннинг ядро қуролига эга бўлишга уринмаётганлиги ва "Ал-Қоида" ташкилоти аъзоларига бошпана бермаганлиги ҳақида билдирган баёнотига ишонмаслигини маълум қилди.***



Яқин кунларда эса Оқ уй маъмурияти Эрон билан бўладиган келгуси муносабатлар бўйича кенгаш ўтказади. Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшернинг айтишича, Эронда "Ал-Қоида"га алоқадорликда гумон этилиб, бир неча кишининг ҳибсга олинганлиги АҚШнинг бу мамлакатда "Ал-Қоида" ҳаракатлари сустлашганлиги бўйича қониқиш ҳосил қилишига ярамайди. Шунингдек, улар орасида "Ал-Қоида" етакчилари борлиги ҳам аниқ эмас. Флейшер фикрича, расмий Теҳроннинг ядро дастуридан электр энергияси олиш учун фойдаланиш борасидаги ҳаракатларига ҳам ишониш қийин. Чунки, бу мақсадда ишлатиладиган унинг табиий бойликлари, яъни нефт ва газ заҳиралари етарли.

## ЯҚИН ШАРҚ ИОРДАНИЯДАН ЕЧИМ КУТМОҚДА

***Иордания ҳукумати келгуси ҳафтада Акаба шаҳрида АҚШ, Исроил ва Фаластин раҳбарларининг саммити бўлиб ўтишини расман эълон қилди.***



Унда президент Жорж Буш, бош вазирлар Ариэл Шарон ҳамда Маҳмуд Аббослар Яқин Шарқ масаласини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" режаси бўйича фикр алмашадилар. Шунингдек, уч томонлама саммитга мезбонлик қилаётган Иордания қироли Абдулло II ҳам иштирок этади. "Йўл харитаси" режаси Исроил ва Фаластин ҳукуматлари томонидан ҳаётга жорий этиш бўйича қабул қилинган бўлиб, бўлғуси саммит олдидан Шарон ва Аббос учрашуви ҳам ташкил этилиши кутилмоқда.

## ИККИНЧИ "ҚОРА ҚУТИ" ҲАМ ТОПИЛДИ

***Душанба куни Туркия ҳудудида ҳалокатга учраган "Як-42" бўйича қидирув ва ўрганиш ишларини олиб бораётган махсус гуруҳ самолётнинг иккинчи "қора қути"сини ҳам топишга муваффақ бўлганлар, дея хабар беради "Ассошиэйтед-Пресс" агентлиги.***



Энди мутахассислар томонидан ҳар икки "қора қути" ўрганиб чиқилганидан сўнг, масалага ойдинлик киритилиши кутилмоқда. Ҳозирча эса самолёт фожиасига учувчининг хатоси сабаб бўлган, дея айтилмоқда. Испания мудофаа вазири Федерико Трильонинг фикрича, "Як-42"нинг техник хавфсизлиги меъёрда бўлган ва у НАТО мутахассислари кўригидан ҳам ўтказилган эди.

## "АЛ-ЖАЗИРА" РАҲБАРИ ИШДАН БЎШАТИЛДИ

***Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканали раҳбари Муҳаммад Жасим Ал-Алининг ишдан бўшатилишига унинг собиқ Саддам Ҳусайн ҳукумати билан алоқадорлиги сабаб бўлган, дея тарқалган хабарларни асоссиз дея таъкидлади телеканалнинг Москва бюроси бошлиғи Акром Хазим.***



У ҳеч қандай Ироқ разведкаси билан ҳамкорлик олиб бормаган ва бу ҳақда тарқалган хабарларнинг барчаси ҳақиқатдан йироқдир. Бинобарин, Муҳаммад Жасим "Ал-Жазира"га 1996 йилдан буён раҳбарлик қилиб келган ва у эндиликда директорлар кенгаши таркибида қолади. 11 сентябр воқеаларидан сўнг дунёга тез танилган ва "Араб Си-Эн-Эн"и номини олган "Ал-Жазира" бугун дунё бўйича 40 миллион кишилик аудиторияга эга. Бунинг устига, бу рақам Ироқ урушидан сўнг яна 4 миллионга ортганлиги айтилмоқда.

## ОДАМЛАР ИССИҚДАН ҲАЛОК БЎЛИШМОҚДА

***Ҳиндистонда ҳавонинг исиб кетиши боис ҳалок бўлаётганлар сони сўнгги икки ҳафта ичида 430 кишидан ошиб кетди. Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш хизмати ходимининг айтишича, қуёш нури ва ичимлик суви танқислиги натижасида ҳалок бўлаётганлар сони ошиши мумкин.***



Биргина, Андхра-Прадеш штатида ҳарорат +47 даражага етмоқда. Юзлаб кишилар эса шифохонага ётқизилиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Мамлакат ҳукумати эса вазиятнинг кескинлашиб кетмаслиги учун чора-тадбирлар кўраётган бўлиб, келгуси ҳафтада Андхра-Прадеш штатида ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Ўтган йили эса ҳавонинг ўта исиб кетиши натижасида 2 мингдан ошиқроқ киши ҳаётдан кўз юмган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

## ҲАР ҚАРИЧ ЕР ҲИСОБДА

(Боши 1-бетда)

Ўз навбатида фермерларнинг ишни тўлақонли ташкил этишлари билан боғлиқ масалалар борасида ҳам хизмат кўрсатувчи идоралар ўртасида шартномалар амалда. Бугун вилоятдаги қайси бир фермер хўжалигида бўлманг, албатта уларнинг ишини кўриб кўзингиз қувнайди. Хоҳ ғўза, хоҳ ғалла ёхуд сабзавот далалари бўлмасин яхши ҳосил етказиш йўлида қизғин меҳнат бораётганига гувоҳ бўласиз.

Ўтган вақт ичида Марҳамат туманидаги "Шуҳрат", Андижон туманидаги "Усмон ҳожи", "Мустақиллик" фермер хўжаликларининг эгалари Тожимирза Нуриев, Абдураҳмон Болтабоев, Ҳабибулло Махсумовлар республика миқёсидаги "Ташаббус" танловларида фахрли биринчи ўринни эгаллашиб, Президен-



тимиз совринига сазовор бўлдилар. Яна бир қатор фермерлар айни шу танловда иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишиб, ҳамкасбларига намуна бўла олдилар. Ана шундай ташаббускор, изланувчан эртанги келажакни кўраётган фермерлар қишлоққа саноатни олиб киришда карвонбоши бўлмоқдалар. Келинг, яхшиси, сўзни уларнинг ўзларидан эшитайлик.

### ХОРИЖЛИКЛАРДАН КАМ ЭМАСМИЗ

**Комилжон СОДИҚОВ, Қўрғонтепа туманидаги "Аваз" фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби:**

-Хўжалигим - мустақиллик фарзанди. Буни шунчаки айтаётганим йўқ.

1991 йили 35 йиллик меҳнатдан сўнг нафақага чиқдим. Бироз вақт ўтгач зерикиш ҳам бошланди. Шунда турмуш ўртоғим Мухторхонга, сўнгра саккиз нафар фарзандимга фермер бўлиш ҳақида маслаҳат солдим, шу тариқа фермер бўлдим.

Ўшанда ишни 10 гектар ер ва 9 бош қорамол билан бошлагандим. Бугун эса ихтиёримда 60 гектар экин майдони, 185 бош шартли қорамол бор. Дастлабки вақтда ҳар бош сигирдан 1800 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, 2002 йил якунида бу кўрсаткич 5723 килограммга етди. Олди сигиримиз йил давомида 12 минг килограмм сут бердики, демак, ҳаракатда баракат бор экан. Тўғри, бу қадар натижага бирданига эришганимизча йўқ. Бу вақт ичида биз кўп қийинчиликларни ҳам бошдан кечирдик. Бироқ, улар олдида эсанкираб қолмадик. Мутахассислар тавсиясини ҳамиша эътиборимиздан қочирмадик.



Сигирнинг сути тилида, деган гап бор. Бу айни ҳақиқат. Зотли пода яратиш баробарида бизга ажратиб берилган экинзорлардан самарали фойдаланиш ҳамиша диққат марказимизда турибди. Иш бошлаган кезларимизда ҳар гектар бедазордан нари борса 90-100 центнердан қуруқ пичан олган эдик. Бултур бу кўрсаткич 205 центнерданга етди. Натижада ишлаб чиқараётган озуқамиз эҳтиёжимизни тўла қоплаяпти.

1996 йили фермер хўжалигимиз республикада биринчи бўлиб наслчилик йўналиши мақомини олди. Бултур эса завод мақомига кўтарилди. Хўжалигимизда етиштирилаётган қорамоллар наслчилик бирлашмаси орқали вилоятимиз, қолаверса, мамлакатимиздаги фермерларга сотилмоқда. Сўнгги вақтларда хўжалигимизга Франция, Голландия ҳамда Исроил давлатларидан меҳмонлар келишди. Улар иш фаолиятимиз билан танишиб, эришаётган натижаларимизни синчковлик билан ўрганишар экан, ҳаракатларимизни ижобий баҳолашди. Мақтаниш эмас, ҳатто баъзи бир томонларимизга ҳавас қилишди ҳам. Ана шундай мулоқотлардан сўнг Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз" деган сўзлари ёдимга тушди, теримга сиғмай кетдим.

Ҳа, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Хўжалигимиз йилдан йилга равнақ топаяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари ортган сари даромад олиш миқдори ҳам шунга қараб кўтариляпти. Биргина ўтган йили қабул пунктларига 168,5 тонна сут етказиб берилди. Мавжуд чорва молларининг ўртача тирик вазни 760 килограммга тўғри келди. 14 бош зотли қорамол наслчилик бирлашмаси орқали турдош хўжаликларга етказиб берилди. Йилдан-йилга хўжалигимизнинг моддий-техника базаси кенгайиб бораётир. Дон янчиш комбайнидан бошқа барча турдаги техника воситаларига эгамиз.

Ҳозиргача эришилган ютуқлар замирида жуда қаттиқ меҳнат борлигини ҳис этиш қийин эмас. Ишларимиз янада юришиб кетиши учун эса баъзи бир муаммолар кўндаланг бўлиб қолмоқда. Чоғроқ ёхуд янги фермер хўжаликлари кун сайин техника хизмати масаласида қийинчиликларга дуч келишяпти. МТПдагилар ихтиёрида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига бирдек хизмат қилиб кета оладиган техника воситалари бармоқ билан санарли ёки баъзилари йўқ ҳам. Мана шу номукаммаллик ҳам ишнинг белига тепяпти. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, ҳосилни йиғиштириш ва бошқа юмушлар ўз-ўзидан орқага суриляпти. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришга доир бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Бироқ уларнинг ишлаши мунтазам тусда эмас. Ҳамон кампаниябозлик ёхуд сансалорлик мавжуд.

Одатда ҳар қандай янгилик ҳаётда бирданига ўз йўлини топиб кета олмайди. Мўлжални тўғри олиб олдинга ҳаракат қилаверсак, ишончим комилки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳадемай энг юқори натижаларга эга бўлади.

### ДАДИЛЛИК – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**Абдураҳмон БОЛТАБОЕВ, Андижон туманидаги "Усмон ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари, "Ташаббус-2002" республика танловининг ғолиби:**

-Падари бузрукворим бир умр хўжаликда кетмончи бўлиб меҳнат қилган. Ана шу меҳнат орқасидан 9 нафар фарзандни тарбиялаганлар. Биз ака-укалар эса қайси соҳада меҳнат қилмайлик, отамизнинг панд-насиҳатларига ҳамиша амал қиляпмиз. Отамиз дастурхон атрофидаги суҳбатларида "Меҳнатни оғирини танланглар, кейин роҳатини кўрасизлар" дер эдилар. Менинг касбим ҳисобчи-иқтисодчи. Фермерчилик ҳаракатига кенг йўл очилган чоғда ўзимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Бу ҳақдаги ўй-фикрларимни жамлаб ота-онамга, ака-укаларимга билдирдим. Отам фикрларимни эшитгач, ака-укаларимга қаради. Сўнгра: "Ҳар ҳолда чорва ҳам қаттиқ меҳнатни талаб қилади. Сигир боққан одамнинг ўзигина эмас, ҳатто кўни-қўшни, маҳалла-кўйи ҳам нафланади", дея дуога қўл очди. Етти ака-ука ҳаракатга тушиб қолдик. Дастлаб 10 гектар ер олиб пода яратишга киришдик. Кўп ўтмай кимошди савдосида иштирок этиб, қорамоллар бош сонини оширдик. Шунга қараб еримиз ҳам кўпайди.

Отамиз айтганидек, чорванинг меҳнати оғир экан. Шу оғирликни елкамизга олиб ишни давом эттиравердик. Ишимиз юришиб кетганда ҳовлиқмадик. Хатога йўл қўйсак, уни тузатиш йўлларини ахтардик. Дастлаб ҳайвонлар бош сонини кўпайтиришга интилган бўлсак, сўнгра наслини яхшилашга зўр бера бошладик. Ерга ишлов бериш, экинларни ўз вақтида экиш, парваришлаш борасида ҳам олдинга силжиш кўрина бошлади. Буларнинг барчаси пировард натижада хўжалик ривожига ижобий туртки кўрсатади.

Хўжалигимиз йўналишида сутчилик устувор. Етиштираётган сутимизни қайта ишлаш корхонасига етказиб берар эканмиз, кўп қийинчиликларга рўпара кела бошладик. Маҳсулотни етказиб берамиз-у, орқасидан пулини ундира олмай жонимиз халак. Президентимизнинг қишлоққа саноатни олиб келиш ҳақидаги даъватлари юрагимизга чўғ солди. Ака-укалар таваккал ишга қўл урдик. Болтиқбўйидан кунига 10 тонна сутни қайта ишлайдиган ихчамроқ технология олиб келдик ва ишга туширдик. Ишимизни кўрган баъзилар "ўн пақир" сутга шундай корхона қуриш зарурми?" дейишди ҳам. Ахир атрофимизда ҳам бизга ўхшаш фермер хўжаликлари бор. Худди биз каби улар ҳам тайёрлаётган сутларини сотишда қийналишяпти. Бир-биримиз билан ҳамкорлик қилсак корхонамиз иши юришиб кетиши аниқ. Худди шундай бўлди. Ҳамкорларимиз кўпайиб кетди. Ишлаб чиқара бошлаган маҳсулотларимиз ўз харидорини топа бошлади. Бу эса бизга янада дадиллик билан ҳаракат қилишга йўл очиб берди.

Ўрта Осиё - Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди танловига ўзимизнинг бизнес режамизни тақдим этдик. Орадан кўп ўтмай 100 минг АҚШ долларилик кредит сармоясига эга бўлдик. Ана шу кредит ҳисобига Италия ва Дания мамлакатидан сут маҳсулотларини қадоқлайдиган ускуналар харид қилдик ва муддатидан олдин ишга туширдик. Бу билан ўндан ортиқ турдаги сут маҳсулотларини замонавий технология асосида ихчам, кўркам идишларга қадоқлашга муваффақ бўлдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг харидоргирлиги эса янада ошди. Натижада олинган кредит муддатидан илгари қайтарилди.



Бугунги кунда хўжалигимиз фаолияти кенгайган. Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва маҳсулотларни қайта ишлаш каби соҳалар мавжуд. 2001 йилда Президент совrини учун ўтказилган танловда иштирок этиб олтин медал ва "Дамас" автомобили билан тақдирландик. Хорижликлар билан ҳамкорликда Европанинг "ТАСИС" дастури доирасида ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ана шу ҳамкорлик боис 84 кишилик жамоамизда наслчилик бугунги талаб даражасига етказилмоқда. Олди сигирларимиз кунига 30 литргача сут бераётир. Бу ишни изчил давом эттириш орқали наслчилик борасидаги дастуримизни амалга ошираверамиз. Мақсадимиз ҳар йили камида 80 бошдан наслли қорамол етказишдир.

Жорий йилда 150 тонна пахта, 660 тонна ғалла етиштириш режасини олганмиз. Даладаги ишларнинг бориши кўнглимизни тўлдириб турибди. Ўтган йили 750 тонна сут қайта ишланган бўлса, яқин вақт ичида минг тонналик кўрсаткичга етишни режалаштиряпмиз. Барча манбалар бўйича товар айланмаси 175 миллион сўмга етди. Соф фойда 31 миллион сўмдан ортди.

Илғор тажрибаларни изчиллик билан ўрганиш, таҳлил этиш ва қўллаш хусусий мулкчиликнинг келажагини белгилайди. Ана шундан келиб чиқиб интернет тармоғига уландик. Бу тезкор алоқа ҳисобига хорижий ҳамкорлар билан иш юзасидан маслаҳатлашиб турибмиз. Ўз маҳсулотларимизнинг рекламаси билан ҳам шуғулланяпмиз. Ўтган йили Қирғизистонда савдо уйи очдик. Хўжалигимиз мутахассисларидан икки нафарини АҚШга тажриба алмашишга жўнатмоқчимиз ва бунга тайёргарлик ишлари бормоқда.

Фермерлик фаолиятимиз бошлангандан буён қишлоғимиз ҳамда туманимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокимиз ҳам кенгайиб бораётир. Иқтидорли болалар гимназияси ҳамда 51-ўрта мактабни ўз ҳомийлигимизга олдик. Аълочи ўқувчилар ўртасидаги ўқув-тарбия ишларини янада рағбатлантириш мақсадида "Усмон хожи" стипендияси мавжуд. Хуллас хусусий мулкчилик қишлоқ одамлари ҳаётида ҳам ўз ўрнини топмоқда. Биз мана шу ҳаракатнинг олдида эканлигимиздан фахрланган ҳолда янги-янги ишчи ўринларини яратишни ривожланишимизнинг бош мақсади қилиб қўйдик. Барча ҳаракатларимиз ана шу мақсадга йўналтирилгандир.

### БАНК ҚЎЛЛАДИ, ИШИМ ЮРИШЯПТИ

**Маҳмуджон МИРЗАКАРИМОВ, Улуғнор туманидаги "Мамажон бува" фермер хўжалиги раҳбари:**

# ФЕРМЕР

***Андижон вилояти Истиқлолга эришилгандан кейинги йилларда кўпгина ибратли ишлари билан мамлакатимизда довруғ қозониб келмоқда. Асакада саноатнинг янги тармоғи – автомобилсозликка асос солинганлиги, деҳқончилик маданияти босқичма-босқич юксалтириб борилиб, чигитни плёнка остига экишга асосланган замонавий технология туфайли пахтачилик янги босқичга кўтарилганлиги, ғалла уруғчилиги йўлга қўйилиб, у тобора такомиллаштирилаётганлиги ва бошқа кўплаб намунавий ишлар Андижон шуҳратини тобора оширяпти. Президентимиз Ислом Каримов яқинда Фарғона водийсига қилган сафаридаги мулоқотларда азамат андижонликларнинг юқорида қайд этилган ибратли ишлари ҳақида гапириб, улар деҳқон ва фермер хўжаликлари ишини яхши йўлга қўйиш, кичик пайкаллардан катта даромад олиш борасида ҳам ибрат бўлишаётганлигини алоҳида таъкидлади. "Қишлоқ ҳаёти"нинг махсус "Фермер" саҳифасида бугун Андижон вилояти миришкорлари тажрибаси ҳақида сўз юритилади.***

***Таҳририятимиз республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда бундан кейин ҳам ана шундай саҳифани мунтазам бериб боришга қарор қилди.***

-Суягим қотгандан буён даладаман. Салкам 20 йил хўжаликда механизаторлик қилдим. Бизнинг бахтимизга замон ўзгарди. Замоннинг ўзгариши билан эса ўз иқтидорингга яраша меҳнат қилишга йўл очилди. 1997 йилнинг қишида 70 гектар ер билан фермер бўлдим. Оиламизда мендан ташқари 3 ўғлим ва укам ҳам механизатор. Ерга қанчалик ишлов берсанг шунга яраша ҳосил беради.

Ана шундай ўрим-йиғим фикри билан ишга шўнғиб кетдик. Кетмоннинг оғирлигини унутдик. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажаришга одатландик. Дастлабки йиллардаги ҳаракатларимиз зое кетмади. Ғалла ва дон тайёрлаш давлат буюртмаларини ошириб бажардик. Ҳосилдорлик ҳам шунга яраша кўтарилди. Энг муҳими, сарф-харажатда биз кутган натижа кўрила бошланди. Беҳудадан беҳудага харажат қилиш механизмини йўқотганимиздан сўнг маҳсулот таннархи арзонлашди. Пахтамизнинг сифат кўрсаткичи аввалгига нисбатан тенгма-тенг ошди. Қўлимиз пул кўрди. Сафдан чиққан тракторларни сотиб олиб, ўз кучимиз билан шу қадар яхши таъмирлаб олдикки, кўрган одам гўёки эндигина заводдан келган деб ўйларди. Техниканг панд бермаса деҳқончилик олдинга силжийверар экан. Чигит экиш 20-30 кун олдинга силжиди. Кузда буғдой экишда ҳам ана шундай ҳолат юз бера бошлади. Экинларга ишлов бериш етказилган ҳосилни йиғиштириб олиш ва ташишда ўз имкониятларимизга суяна бошладик. Буларнинг барчаси тўғридан-тўғри тежамкорлик билан боғлиқ бўлиб, оладиган даромадимизни кўпайтира бордик.

1999 йили янги трактор сотиб олиш мақсадида банкка мурожаат қилдик Ишнинг бошида шу қадар югур-югурларга дуч келдикки, трактор сотиб олишга бўлган ҳафсаламиз қолмади чоғи. Шунда ўзимизни қўлга олиб мақсадимиздан қайтмадик. Далада пахтамиз бор, донимиз, эски бўлса ҳам тракторимиз деганларидек, барчасини гаровга қўйиб, "МХС-135" русумли "Максим" тракторини уч йил мудатга 12 миллион сўмга сотиб олдик. Янги трактор сотиб олишимиз билан ишларимиз юришгандан юришиб кетди. Ўзимиздан ортиб бошқа фермерларга ҳам хизмат кўрсата бошладик. Қарабсизки, 12 миллион сўмлик қарзни уч йилда эмас, икки йилда узишга муваффақ бўлдик.

"Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлими бизнинг бу ишимиздан қониқиш ҳосил қилди ва иккинчи навбатда кредит олишимизда жуда тез ёрдам қилдики, яқинда пахта териш машинаси сотиб олдик. Ўзим машинада 250 тоннагача пахта терганман. Ишимизни яхши томонга кетаётганлигини ҳисобга олган раҳбарларимиз ўтган йили бизга яна 68 гектар ер қўшиб беришди. Жорий йилда 96 гектар майдонда ғўза парвариш қиляпмиз. Бунча майдондаги пахтани ўз кучимиз билан териб ололмаймиз. Ёрдамчи жалб этсак, харажатлар ортиб кетяпти. Ҳисоб-китоб қилсак, пахта териш машинаси сотиб олганимиз маъқул. Бугун ғўзаларимизнинг ривожи жуда яхши. 27 мартда экишни тугатган эдик. Барча майдонларимиздаги ғўзалар қийғос шоналади. Бугун-эрта гул кўриш ниятимиз бор. Техника воситалари етарлилиги ҳисобига ана шундай натижа бўляпти, десам хато қилмайман.

32,5 гектар майдондаги буғдойимиз чунон бош олдики, худо хоҳласа, ҳосилдорлик 80 центнердан кам бўлмайди. Буғдойни саранжомлаб олгач ўрнига такрорий экинлар экамиз. Бу ҳам даромад. Мана шундай ҳаракат билан кредитни яна муддатидан олдин узишга эришамиз.

Хўжалигимизда 60 киши бор. Уларнинг барчаси ўзимизнинг оила аъзоларимиз ва қариндошларимиз. Бир ишни эртага ёки индинга суриш деган нарсанинг ўзи йўқ. Жипс бўлиб меҳнат қилиш эвазига ҳосилдорликни оширяпмиз. Ҳосилдорликни ошириб борганимиз билан бизга бўлган ишонч ортаяпти. Ҳозир шундай шароитга эга бўлдикки, ҳайдов, ерни экишга тайёрлаш, экиш, парвариш қилиш, ҳосилни йиғиштириш ва тайёрлов идорасига етказиб бериш қўлимиздан бемалол келаверади. Мустақиллик туфайли биз ана шундай даражага етганимизни ҳар қадамда ҳис этамиз ва шукроналар билдирамиз. Қани айтинг-чи, бундан сал вақт илгари фалончининг юз гектардан ортиқ ери бор деса, ким ишонарди. Ёхуд фалончи банкдан қарз кўтариб трактор олмоқчи экан деса, ким елка қисмасди. Олти йилда пахта ҳосилдорлигини чўлда 6 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 30 центнерга оширдик. Мана энди кучга тўла бошладикки, албатта бу натижалар янада ортади.





Бундай ютуқлар ўз оёғи билан келди, десак Яратганга хуш келмайди. Ҳаракатда баракат деганларидек, кези келганда тун билан куннинг фарқига бормай ишлайсан. Бундан мурод ишим яхши бўлсин десанг, баъзида бирор-бир идорага борсанг ёки юқорига чиқсанг сенга бўлган муносабатни кўриб жиғибийронинг чиқади. Яхшиямки бизни ҳамиша қўллаб тургувчи посбонимиз бўлмиш Президентимиз бор. Яқин 4 ойдан буён солиқ идораси билан тортишганим-тортишган. Тўғри, хўжалигим бу идорадан пенсия жамғармаси учун 5 миллион сўм қарз. Менинг эса пахта тозалаш заводидан шунча ҳақим бор. Шартномага кўра мен ўз ҳақимни 2000 йилнинг 31 декабрига олиб бўлишим керак эди. Борсангиз у ердагилар: "Туриб туринг, туриб туринг"дан нарига ўтишмайди. Ҳар бир тайёрлов идорасига топширган маҳсулот учун ҳақини олишга идорама-идора юраверсам, даладаги ишни ким қилади? Агарда мен пахта тайёрлаш шартномасини бажармаганимда эди тайёрловчилар аввалдан берилган бўнак ва шартнома режаси бўйича мени сур-сур қилишлари аён-ку? Хуллас, шунақа ишлар бор. Қанийди ҳаммамиз ўзимизга олган мажбуриятимизни ўрнида югур-югурсиз бажариб қўйсак. Ишончим комилки, республикамиздаги барча фермерларнинг ишлари шу қадар юришиб кетган бўларди.

### ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ШАРОФАТИ

**Қодиржон ИБРОҲИМОВ, Асака туманидаги "Р.Иброҳимов" деҳқон хўжалиги раҳбари:**

-Халқимиз азал-азалдан ерга алоҳида меҳр билан қарайди. Чунки ер тирик жон учун ризқ-насиба ато этувчи мўъжиза. Шундан бўлса керакки, ота-боболаримиз атиги бир дона уруғ сиғадиган тупроқни ҳам кўзига тўтиё этишади. Шу ўринда бир ривоятни айтай. Қадимда бир оқсоқол фарзандларини ҳузурига чорлаб хонадонга тегишли ерни уч ўғлига тақсимот қиладиган бўлибди. Отанинг қўлида қозиқ, ўғиллар эса ерни бошидан, учидан ўлчашибди. Ота эса қозиқ қоқиб берибди. Шунда кенжа ўғил:

-Ота, қозиқнинг ўрни кимники? – дея сўрабди.

-Баракалла, ўғлим. Қозиқнинг ўрнини қадрини билдингки, демак, сен ҳеч қачон хор бўлмайсан.



Собиқ тузум даврида деҳқон оёғи заминдан узиб қўйилди. Катакдек ҳовлида 2-3, ҳатто ундан кўпроқ келинлар билан яшаш фахрга айланди. Гўёки ҳаммага иш бору, бироқ ризқ-насиба яратувчи йўқ. Беадад шукрки, мустақиллигимизнинг биринчи меваси айни деҳқон томорқаси бўлади. Минглаб, ўн минглаб ёш оилалар ўз ерига эга бўлишди. Қонимизда бор-да. Янги ер олган одамлар хўжалик юритишни йўлга сола бошлашди. Бизнинг қишлоғимизда очиқ ва ёпиқ майдонларда сабзавот етиштириш анъана тусига кирди. Оиламиз ҳисобида 60 сотих ер бўлиб, деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун етарли бўлди. Ана шу ернинг 36 сотихига иссиқхона қурдик. Кузда ва баҳорда деҳқончилик қилиш мумкин бўлганлиги боис оиламиз аъзоларининг барчаси ишсизликдан қутулишди.

Йилдан-йилга хўжалигимиз равнақ топиб боряпти. Шубҳасиз, бу ривожда изланиш алоҳида аҳамият касб этаётир. Ҳали бизда иссиқхона шароитида парвариш қилинадиган сабзавот экинлари уруғчилиги у қадар ривожда эмас. Харидорни ўзига торта оладиган маҳсулот етиштириш биринчи ўринга чиқиб олди. Бундай ҳолатда деҳқон нима қилиши керак? Бу саволнинг ортида сўзсиз ҳадик ҳам бор. Аввал кўчат тайёрлайсан. Сўнгра иссиқхонага ўтказасан. Узлуксиз парваришдан сўнг сен кутган ҳосил чиқмаса, ёмони шу. Шу боис беш йилдирки Россиядаги "Гавриш" фирмаси селекционерлари томонидан яратилган сабзавот уруғларидан фойдаланяпмиз. Ўзаро ҳамкорлик шу қадар чуқурлашиб боряптики, энди биз селекционерларга ўз талабларимизни қўя бошладик. Бозор талабларини тўғри тушунган олимлар ҳам бизнинг талабларимизга муносиб жавоб беришмоқда.

Узоққа бормайлик. Биргина шу мавсумда 50 турдаги сабзавот навлари деҳқон хўжалигимизда синовга қўйилди. Биз ўша навлардан ўзимизга ёққанини танлаб оламиз. Ана шундан сўнг олимлар элита уруғлиги етказиб беришади. Ҳамкорлик самараси зўр. Илгари иссиқхоналарнинг ҳар квадрат метрида 10 килограммга етмай ҳосил етиштириларди. Ҳозир бу кўрсаткич 30 килограммга етди.

Деҳқон хўжалиги - ҳақиқий мулкчилик асосидир. Томорқа майдонларининг кенгайиши жамиятга бир неча баробар кўпроқ наф келтираяпти, десам бўлаверади. Биринчидан, ер эгаси ишли бўлди. Оилани ижтимоий муҳофаза қилиш учун беқиёс имконият яратилди. Қариган чоғида пенсия олиш ҳуқуқи кафолатланди. Етиштирган маҳсулотини эркин тарзда хоҳлаган жойида сотишга эга бўлган деҳқон Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, рўзғорига қут-барака кирита бошлади. Шубҳасиз, бунда "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонун мададкор бўляпти.

Айни вақтда деҳқон олдида ҳамон бир қатор муаммолар турибди. Баъзи бир экинлар, мевалар бир вақтда пишиб етилади. Биринчидан, тайёрлов идоралари топширилган маҳсулотлар учун тўловни вақтида қилишмаяпти. Иккинчидан, маҳсулотларни республикадан ташқарига чиқариш учун ҳужжат тайёрлаш, уни тегишли идоралардан рўйхатдан ўтказиш жуда қийин. Четга юк жўнатиш ҳужжатлари ихчамлаштирилса, деҳқон ҳам, мамлакат хазинаси ҳам наф кўради. Энг муҳими идишларга солиб қўйилган маҳсулотлар неча ўн кунлаб қолиб кетмайди. Демакки, у харидорга сифатли ҳолда етиб бориб, мамлакатимиз деҳқончилигининг обрўсига обрў қўшади.

### ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШИБ

**Хайрулло ИБРОҲИМОВ, Деҳқон ва фермер хўжаликлари вилоят вакиллиги халқаро алоқалар бўлими бошлиғи:**

-Бу борадаги дастлабки қадамлар 1998 йилда ташланган бўлиб, ўшанда деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги Европа Иттифоқининг фермер хўжаликларини ҳудудий ривожлантириш ТАСИС лойиҳаси доирасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳада иштирок этаётган голландиялик экспертлар 1,5 йил давомида вилоятимизда фаолият кўрсатдилар. Ушбу лойиҳа доирасида вилоятимизга энг замонавий ахборот технологиялари келтирилди. Дастлабки вақтда маслаҳатчи мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир қўлланмалар, адабиётлар, хорижлик фермерлар тажрибалари ёритилган видеотасмалар билан жиҳозланган маслаҳат-ўқув маркази ташкил этилди. Ана шу ўқув жараёнида вилоятимиз фермерлари вакилларидан 9 киши Голландияда ўз малакаларини оширишга муваффақ бўлдилар.

ТАСИС лойиҳаси ўқув режаси янада кенгайтирилди. Барча туманларда ҳам маслаҳат ўқув марказлари ташкил этилиб, уларга хорижий экспертлар томонидан ишлаб чиқилган дастур маҳаллий мутахассислар ёрдамида оммалаштирилди. Бу ўқувларда 1116 нафар фермер ўз билимини оширишга муяссар бўлди.

2000 йилда вилоят вакиллиги мутахассислари Кореяда ўтказилган қишлоқ хўжалиги анжуманида иштирок этдилар. Мазкур анжуман фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи кооперативларни ташкил этиш, уларнинг моҳияти ва вазифаларини аниқлаш юзасидан ўтказилган мунозараларда вилоятимиз вакиллари фаол иштирок этдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни шу йўналишдаги ишлар республикамизда биринчи бўлиб бизнинг вилоятимизда амалга оширила бошланди. Ҳозир вилоятимизнинг барча туманларида шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳудудий кооперативлар фаолият кўрсатмоқда.



Вилоят вакиллиги қошида ташкил этилган ўқув марказида Америка Қўшма Штатлари фермерларининг анъанавий иш тажрибаларини ўрганиш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Глобол ойтрич" малака ошириш дастури асосида доимий машғулотлар олиб борилмоқда. Ва шу машғулотнинг тўла курсини ўтаган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчилар икки ойдан 18 ойгача бўлган давр оралиғида АҚШ қишлоқ хўжалиги билан яқиндан танишмоқ учун у ерга юборилмоқда. 3 йил мобайнида 39 нафар ёшлар ушбу дастур орқали АҚШга юборилди. Жорий йилнинг қолган даврида яна 17 киши турли муддатларга АҚШга боради. Улар бевосита фермерлар хонадонида яшайдилар, бирга ишлайдилар. Сафар шундай тузилганки, Андижондан бораётган ёш фермерлар ерга ишлов беришдан тортиб то ҳосилни йиғиштириб олиш ҳамда тайёрлов компанияларига топширишгача бўлган жараёнларда қатнашадилар. Худди шундай ҳамкорлик австриялик фермерлар билан ҳам йўлга қўйилмоқда. Яқин йилларда бир нафар ёш фермер Австралияга йўл олади.

АҚШда "Фермер фермерга" халқаро тажриба алмашиш дастури ҳам мавжуд. "Винрок интернейшнл" компанияси орқали амалга ошириладиган бу дастурнинг ўқув машғулотларини америкалик ҳамкасбларимиз олиб бормоқдалар. Улар фермерлар, деҳқон хўжаликлари билан тажрибаларини баҳам кўришиб, жойларда ўқув семинарлари уюштирмоқдалар.

Фермерлар ва деҳқон хўжаликлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда алоҳида ўрин эгаллашади. АҚШнинг "Прагма" лойиҳаси билан ана шу йўналишда ҳамкорлик қилинмоқда. Бу борадаги дастлабки семинар Асака туманида бўлиб ўтди. Айни вақтда халқаро ҳамкорлик юзасидан хорижий дастурларни ўқиб-ўрганиш ишларига қўшни Наманган ҳамда фарғоналик ёш фермерлар ҳам қизиқиш уйғотмоқдалар. Ана шундан келиб чиқиб, ушбу вилоятлардаги вакилликлар қошида бўлимимиз шохобчаларини ташкил этдик.

Бир сўз билан айтганда, қўлни қўлга бериб жаҳон тажрибаси ютуқларини синчковлик билан ўрганишимиз, албатта, ўз самараларини беради. Хорижда бўлиб қайтган фермерларнинг иш фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар фикримизнинг исботидир.

**Саҳифани "Қишлоқ ҳаёти" мухбири Қобилжон АСҚАРОВ тайёрлади.**

* * *

**СУРАТЛАРДА: вилоят фермерлари ҳаётидан лавҳалар. Х.АРАББОЕВ олган суратлар.**

*Кўнгилга сайр*

## БАҲОРИМ



Наврўз афрўзидан бўзлар жон топти,
Тонглар дилафрўзи кўзимдан ўпти,
Бизни излаб ўрик гуллари кепти,
Изларингдан ўпай, ойдай баҳорим.
Тўлин ой шайланар юраклар ичра,
Оққушлар айланар фалаклар ичра,
Ҳаётлар ойланар йўргаклар ичра,
Сўзларингдан ўпай, ойдай баҳорим.
Қуёшни қучгайман гул шохи – қўлим,
Қуш бўлдим барқхўдай ўтлуғдир тилим,
Гул сувин ичгайман гулрўдир дилим,
Нозларингдан ўпай, ойдай баҳорим.
Ялдо кечалари тонгдай ёришди,
Суманлар осмонга бориб қоришди,
Қизғалдоқлар сирли-сирли қарашди,
Кўзларингдан ўпай, ойдай баҳорим.
Далли дарёларда оқар бойчечак,
Товланган камалак – олтин беланчак,
Гул-гул чимилдиқдан боқар келинчак,
Юзларингдан ўпай, ойдай баҳорим.

## Ў, СЎНГСИЗ СИРЛАР...

Шўх қиздай қиқирлар гулқиздай қирлар..
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз сирлар!
Сийнадай оқ қорлар... Сийпанар нурлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз сирлар!
Саратон часирлар, чилла чисирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз сирлар!
Сунбула жимиллар, мезон жимирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз сирлар!
Ғойиблик шивиллар, фано шивирлар...
Айлайсиз асирлар, ў, сўнгсиз сирлар!

## СЕН ҚИЗ...

Сен қиз... ҳеч ким топиб олмаган гавҳар,
Сен қиз... пешонангга не ёзган Аллоҳ?!
Ҳеч ким куйламаган қўшиқсан дилбар,
"Дунёда Тонг борми?" – кўзинг сўнгсиз оҳ...
Ёниб куйиб битди, кул бўлди Баҳор,
Куз оғир кезинар бир Қайғуликда...
Олис-олислардан келар беун Зор,
Қаро кўзинг боқар... Қоронғуликда.
Сен қиз... ҳеч ким топиб олмаган гавҳар,

## ЎПГИЛ ДИЛИМДАН

Хок эдим, руҳ бўлиб, ишқда уйғондим,
Баҳордай лолайи оташда ёндим...
Ё раб, хазонларга келдим қаёндин?!
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.
Кўзимга санчилур ҳар чўпу ҳар хас,
Бошима тош отур тошдилу нокас,
Бўғзимда бўғилиб тўлғонур нафас...
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.
Меҳрим бўстонида қаҳр ўйнаюр,
Ширин-ширин жоним тахир қийнаюр,
Ризқим қозонида заҳар қайнаюр...
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.
Нидои додимни худога айтай,
Ойосмон бўлмаса дунёни нетай?!
Тонг менга қайтсину мен тонгга қайтай,
Ў, атиргулим-а, ўпгил Дилимдан,
Ўзинг асраб қолгил, мени ўлимдан.

## ТЎРТЛИКЛАР

Мен сокин дарёман, кимдир беомон
Тош отди кўксимга... дарзлар кўнглимда.
Жим, хоксор оқаман денгизга томон,
Қанча тошлар чўкиб ётар дилимда.

* * *

Гўзал дунё, билгилки, мавҳум,
Неки маълум, улки, номаълум.
Ҳамон пинҳон энг оддий бир сир,
Туғилмак не, не эрур ўлум...

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

**ХОСИЯТЛИ ЎСИМЛИКЛАР**

## КИШТ, КУЯ КАПАЛАГИ!

***Мўйнали кийим-бошларни қанчалик авайламанг, уларнинг сифатига путур етказадиган куядан сақлаш осон бўлмайди.***

Тўғри, нафталиндан фойдаланиш мумкин. Бироқ унинг нохуш иси, қолаверса, инсон саломатлигига салбий таъсири ҳам бор-да! Шу боис ҳам мўйнали кийим-бошларни яхшилаб қоқиб янги полиэтилен халталарга жойлаштириб, унинг ичига ялпиз ёки тамаки солиб беркитиб қўйилса, ортиқча ташвишдан халос бўласиз-қўясиз.

## МОЙЧЕЧАК – ҲАШАРОТ КУШАНДАСИ

***Мойчечак кукуни (тиббий тилда – "Пиретрум") ҳашаротлар уя қурган, қандала, суварак, чумоли "лашкар" тортадиган жойларга сепиб қўйилса, заракунандалардан асар ҳам қолмайди.***

Зийнатли ва манзарали қушлар инининг тагига ҳам шундай кукундан сепсангиз, сайроқи қушларнинг хониши янада жозибалироқ бўлади, қушлар кана ва бургалардан халос бўлади.

**Маннон ҒАНИЕВ**

# ЎЧМАГАН ЧИРОҚ ЁҒДУСИ

**(Боши 1-бетда)**

Йиллар ўтди. Фарзандлар вояга етди. Ота касбини эъзозлаб эл оғзига тушишди. Ўзлари эришган кичик бир ютуқ замирида ҳам ота меҳнати борлигини таъкидлашни канда қилишмади. Оиладаги иккинчи ўғил – Абдулла билан суҳбатлашганимизда у ўзидан кўра, падари бузрукворн ҳақида кўпроқ ёзишимизни сўради. Бу албатта олижанoблик ва эзгулик аломати. Зеро, ота-боболари хотирасини ардоқлаган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди.

-Ғиждувон кулолчилик мактаби тарихи узоқ мозийга бориб тақалади, - дейди у. – Унинг илк намуналари X-XII асрларга оид экани аниқланган. Биз ана шу тарихий буюмларнинг технологиясини ўргандик. Унутилган қадимий услубларни қайта тиклаш ҳазилакам иш эмас экан.

-Америка Қўшма Штатларида бўлган экансиз, - сўрайман ундан.

-Ҳа, Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган "Совғалар" халқаро кўргазмасида иштирок этганман, - дейди А.Нарзуллаев. – "Ҳунармандларга ёрдам" халқаро жамғармаси кўмаги билан мазкур нуфузли кўргазмада ўз маҳсулотларим билан қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Ўша кўргазмада Марказий Осиёдан уч киши қатнашганди, холос.

Таъкидлаш жоизки, Бухоро вилоятидан борган Алишернинг кулолчилик буюмларига америкаликлар катта қизиқиш билан қарашди. Кулол кўргазмада иштирок этибгина қолмай, турли давлат вакилларидан 400-500 тача сопол буюмларга буюртма ҳам олди.

Ҳозир ака-ука Нарзуллаевлар Ғиждувон кулолчилик тарихи музейини барпо этиш ҳаракатида юришибди. Бу музейдан нафақат кулолчилик буюмлари, балки Ғиждувон ҳунармандчилиги нодир намуналари ўрин оляпти.

Сулола давомчилари табиий бўёқлар тайёрлаш сирларини ўрганишди, каштачиликни йўлга қўйишди. Музей қошида устахона ҳам очилган бу ерда Нарзуллаевлар шогирдлари билан амалий машғулотлар ўтказишяпти. Ҳатто, у устахонага АҚШ ва Японияндан таниқли кулолларнинг келиб ишлаши кўзда тутилган. Зеро, Алишер Нарзуллаев Японияда бир неча ой бўлиб, кунчиқар юртдаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиб қайтганди.

Сулола вакилларининг айтишларича, бу соҳада имкониятлар катта. Айтайлик, хорижда кўприк ёки йўл ёқаларида сополдан бежирим безак сифатида фойдаланишади. Бизда ҳам оддий тупроқдаги ана шундай кенг имкониятларни ишга солиш мавриди келмадимикан?

Биз атайин Абдулланинг 1994 йилда Покистонда ўтган халқаро фестивалдаги иштироки, акаси Алишернинг 1995 йилда ЮНЕСКО дипломини қўлга киритгани, 1999 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани хусусида батафсил тўхталмадик. "Ҳеч қаерда ҳунармандчиликка эътибор биздагидек давлат сиёсати даражасига кўтарилмаган", Абдулланинг шу эътирофини эшитаётиб, беихтиёр деворда осиғлиқ сопол лагандаги нақшинкор битикка кўзимиз тушди: "Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб туфроққаму кетгумдир охир". Нарзуллаевлар сулоласининг умрбоқийлиги моҳиятини ана шу ўлмас мисралардан ошириб изоҳлашнинг имкони бўлмаса керак.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



Яқинда Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театрида анъанавий ўзбек миллий рақси фестивал танлови бўлиб ўтди.
СУРАТДА: танловдан лавҳа.

**Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

# ОТ ЧОПСА ГУМБИРЛАР ТОҒНИНГ ДАРАСИ

**ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР**

***Мўминжон учун чўпонлик бобомерос. Кўпгина тенг-тўшлари мактабни тугатиб шаҳарга отланишди. Кимдир ўқишга, кимдир ишга. Деҳқонобод тоғлиқ туман. Иш ҳам ўзига яраша. Мўмин қишлоқда қолди. Ибн Сино номли хўжалик раҳбарларига учрашиб, бобосининг чўпон таёғини олмоқчи эканлигини айтди.***

Мана беш йилдирки, Мўминжон Беккулов Ибн Сино номли хўжаликда бош чўпон. Беш отар ангор эчкиси бор. Эчки жонивор жуда шўх бўлади. Мўминжон уларни кўриб завқ-шавққа тўлади. Ўзи шоиртабиат бола, бахшиликка иштиёқи баланд. Ғирот деган қорабайир оти бор. От устига ўтириб хуржундан дўмбирани чиқаради-да, Қўнғирот термаларидан айтади. Жўшиб, ёниб куйлайди.

Баҳор кунларининг бирида Бойсунга тўйга борди. Даврабоши ундан қўшиқ куйлаб беришни илтимос қилди. Мўминжон дўмбира жўрлигида Алпомиш достонидан бир парча айтди. Навқирон йигит эмасми, куйлар чоғида келинчакнинг ёнидаги кўҳликкина қизнинг эътиборини тортди. Қиз унинг овозига маҳлиё бўлиб қолганди. Бўлғуси аёли билан шу тўйда танишди.

Бойсун гўзалига етишишнинг ўзи бўлгани йўқ. Ибн Сино номли хўжалик билан Бойсун тоғи туташиб кетган, от билан бемалол борса бўлади. Мўминжон севиклисининг олдига Ғирот миниб йўл олади. От ҳам йўлни билиб қолган, тўғри қизнинг қишлоғига бурилади.

Ёшлар қатъий аҳд-паймон қилишди. Ойбарчиндек сулув Шарофат ўз Алпомиши - Мўминжоннинг мўъжазгина чўпон кулбасига келин бўлиб тушди. Тўй ўтовлар тикилган, кўм-кўк арчазорларга бурканган Деҳқонобод тоғларининг дилбар гўшасида ўтди. Бойсунлик қудалар бу тўй ҳақида ҳали-ҳали гапиришади. Ўзиям тўймисан тўй бўлдида. Бахши деганн оқиб келаверди. Қашқа-ю Сурхон воҳаси бахшилари тўйни қизитгандан қизитди. Навбатма-навбат соз чертиб, даврага файз бағишлашди.



Келин чўпон йигитга чўлиқлик қилишини айтганда Мўминжон ҳайрон бўлди.

-Мен ҳам сиз билан бирга отарни ёйиб келишга чиқаман. От минишда сиздан қолишмайман- деди у. Хуллас чўпонлик уларнинг ҳаётига сингишиб кетди. Бобоси Сиддиқ ота ёшларга оқ йўл тилади. Шарофат Мўминжонга ёндош от чоптирганда тоғлар акс-садо берди.

Мўминжон эчки жунидан маҳаллий шароитда қиз жувонларнинг ҳар хил , буюмларни тўқиётганини кўриб қувонади. Бунда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан кўнгли ёришади. Ўн саккиз ёшида чўпонлик таёғини қўлга олганди. Мана йигирма учга кирибди. Беш йил ичида ўзига яраша обрў эътибор қозонди. Қурғоқчилик йилида ҳам чорвани талафотсиз, йилни чиқимсиз якунлади. Меҳнати қадр топди. Мўминжоннинг юрагида орзулар кўп, сиртдан ўқишга кирмоқчи. Билимини мустаҳкамлаши керак.

-Мана шу тоғларни, севимли отаримни ташлаб кетишга сабрим етармикин, - дейди у. –Бу тоғлар, кўриб турганингиз мўъжазгина ўтов Ватанимнинг бир парчаси. Аммо ўқиш ҳам керак. Тажрибани ўзи камлик қилишини ҳис этдим.

Мўминжон билан анча вақт суҳбатлашдик. Охирида ёш чўпоннинг дилидаги орзулари амалга ошишини чин дилдан тилаб у билан хайрлашамиз.

**Мақсуд АКРАМОВ**

**ГАЗЕТХОН ФИКРИ**

## МАДАНИЯТ САРОЙИ ҚУРИЛАДИМИ?

***Денов қадимий шаҳарлар сирасига киради. Саноат корхоналарининг кўплиги, аҳолисининг зичлиги жиҳатидан Денов республикада салмоқли ўринга эга.***

Аммо шундай бир шаҳарда маданият уйи ёки маданият саройи йўқлиги ачинарли ҳолдир. Бу ҳам майли. Шаҳарда 5 та кинотеатр бўлиб, унинг 3 таси қишки, 2 таси ёзги. Фақатгина "Шарқ" кинотеатри намунали ишлаб турибди. "Ўзбекистон 25 йиллиги", "Баҳор" номли ёзги кинотеатрлар умуман хароба ҳолга келиб қолган. Ичини ва атрофини ўт-ўланлар босиб кетган. Уларда кейинги 10 йилда бирор марта кинофильм қўйилмаган. Бугунги кунда вилоятдаги 2-3 та туманни ҳисобламаганда, деярли барчасида маданият уйи ёки маданият саройи мавжуд. Фақатгина Деновда 450-500 томошабингагина мўлжалланган кинотеатр хизмат кўрсатмоқда. Хўш, нега Деновда маданият уйи ёки маданият саройи қуриш ўйлаб кўрилмайди? Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Чунки маданият саройи қуриш учун мўлжалланган жойлар бошқа мақсадларга йўналтирилган қурилиш учун сотиб юборилган. Бу ҳақда тегишли мутахассисларнинг муҳокамаси ҳам бўлди. Амалда эса натижаси бўлмади. Умуман олганда, Денов шаҳрида маданият саройи йўқлиги ачинарли ҳолдир. Шу боис бу соҳага тегишли мутахассислар етарлича чора-тадбирлар кўради, деган умиддамиз.

**Ўрол БЕКМУРОДОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

# SPORT OLAMIDA

## СУЗУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон" спорт мажмуаси уч кун давомида сузувчилар билан гавжум бўлди.***

Чунки бу ерда сузиш бўйича мамлакат биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган 120 нафар спортчилар 10 та жамоага бўлинган ҳолда 50 метрга, 100 метрга чалқанча сузиш, батерфлей усулида сузиш йўналишларида ғолиблик учун кескин кураш олиб боришди. Ушбу баҳсларда 11 нафар спорт усталари ҳам иштирок этганликлари мусобақаларнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Мусобақалар якунида эса Денис Егоров, Анна Фомина, Саида Искандароваларнинг бошқалардан кўра маҳоратли эканликлари исботланиб, улар чемпионатнинг олтин медалларини қўлга киритишди.

## ИРОДАНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

***Францияда жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари иштирокида халқаро турнир бошланди.***

Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган теннисимиз "малика"си Ирода Тўлагановага яна омад кулиб боқди. Йилдан-йилга маҳорати юксалиб бораётган Ирода бу сафар италиялик рақиби Сера Занъеттини икки сетда 3/2, 7/2 ҳисобида мағлубиятга учрата олди ва кейинги босқичда баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Эрон ва Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўртасида Тошкентда ўтказилган саралаш учрашувидан кейин бош мураббий Виктор Жалилов ўрнига тайинланган Виктор Борисов Теҳронда ўтадиган жавоб учрашувида ўзбекистонликларнинг ғалаба қозонишларига умид қилмоқда.***



Ҳозирда ушбу беллашувга қизғин ҳозирлик кўраётган олимпиячиларимиз таркибида ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси эронликлар билан жавоб учрашувини ўтказиш учун 5 июнда Теҳронга жўнаб кетишади.

## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

***Мамлакатимиз маҳаллалари жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган "Футболимиз келажаги" турнири болалар ва ўсмирлар ўртасида иқтидорли футболчилар етишиб чиқаётганлигини исботлаётгани ҳеч кимга сир эмас.***

Шуниси қизиқки, илгари "Футболимиз келажаги" турнири асосан икки хил ёшдаги жамоалар ўртасида уюштириларди. Эндиликда ушбу турнирнинг аҳамиятини янада ошириш мақсадида мутасаддилар ташаббуси билан жорий йилдан 9-10, 11-12, 13-14, 15-16 ёшдаги болалар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришади.

## "ЁШЛИК" КУБОГИ УЧУН

***Мамлакатимизда миллионлар ўйини – футболни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш мақсадида маҳаллаларда, ўқув масканларида тез-тез турнирлар ташкил этилаётгани қувонарли ҳол.***

Маълумки, бир неча йиллардан бери келажагимиз ворислари ўртасида "Ёшлик" кубоги баҳслари ўтказиб келинмоқда. Ушбу турнирнинг аҳамияти шундаки, унда катта футбол сирларини ўрганишга интилаётган ёшлар орасидан иқтидорли футболчиларни саралаб олиш имконияти пайдо бўлмоқда. Ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу турнир 7-12 июн кунлари Бухоро шаҳрида уюштириладиган бўлди.

## СИНОВДАН ЎТМОҚДА

***Футболни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳсинга лойиқ.***

Хусусан, олий ва биринчи лига жамоалари ўртасидаги ўйинларнинг сермазмун ўтишида чарм тўп усталарининг маҳоратлари юксалишида мураббийларнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам кейинги йилларда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан мураббийлар малакасини ошириш мақсадида семинарлар уюштирилмоқда. Айни кунларда эса Наманган вилоятида мураббийлар иштирокида ўқув семинари бўлиб ўтмоқда.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент меҳмонхона хўжалиги техникуми томонидан 2001 йил 7 июлда Соипов Шаҳобиддин Махаматназарович номига берилган № 441285-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# СИРЛИ БИТИК СИНОАТЛАРИ

**(Боши 1-бетда)**

Ўтган асрнинг 60-70 йилларига келиб, Туямўйин сув омбори қурилишидан олдин ўша жойда олиб борилган қурилиш ва қазиш ишлари фан учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Натижада Туямўйин атрофидаги 6-16 км масофада жойлашган Султон Санжар, Қўшбулоқ, Шихлар, Шўрбулоқ, Лавлакон, Қирққиз, Қора ковак, Капарас, Кетмончи мавзеларидан аждодларимизнинг ҳаётини акс эттирувчи иш қуроллари, сопол идишлар, хуллас, ҳаммаси бўлиб 1866 дона турли хил ноёб буюмлар топилган. Топилдиқлар шу боисдан ҳам фанда Туямўйин хазинаси номини олганди.

Истиқлолдан кейин, 1995-96 йилларда Ҳазорасп ва Хумбузтепада Россия Фанлар академияси ҳузуридаги тарих ва этнография илмий текшириш институти бўлим мудири, тарих фанлари доктори Лариса Левина, ЎзФА Қорақалпоғистон филиали ходими, тарих фанлари доктори М.Мамбетуллаевлар археологик тадқиқот ўтказгандилар.

"Ҳазорасп-96" дея ном олган ушбу халқаро экспедиция изланишлари пайтида, 1996 йил 18 сентябр куни Хумбузтепа атрофидан Марказий Осиёда ягона кулолчилик маҳалласи, хум, турли сопол идишлар пишитиладиган оташхона топилди.

Ушбу ноёб топилма Жанубий Хоразмнинг антик давр қалъалари Ҳазорасп, Капарас, Садвар, Жигарбанд қалъаларининг Хитой билан эрамиздан аввалги VII-VI асрлардан бери савдо, маданий ва иқтисодий алоқа ўрнатиб келинганидан далолат беради.

Яқинда халқаро "Олтин мерос" жамғармаси Хоразм вилоят бўлими томонидан ташкил этилган илмий экспедиция ноёб битикларни топишга муваффақ бўлди. Ҳазорасп қалъасининг кўҳна деворлари остидан чиққан сариқ-қизғиш рангли сопол идишга ўйма шаклда битилган сирли ёзув кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Сирли ёзувлар битилган кўза парчасининг таг қисми 11, бўйининг бутун бўлаги 14, диаметри 70 сантиметрдан иборат бўлиб, ундаги сирли ҳарф белгилари, ёзувлари ҳамда ясалиш услуби Ҳазорасп, Елхарос, Капарас, Хумбузтепа ёдгорликларидан топилган сопол идишларга ўхшаб кетади.

Айниқса, кўзанинг пастки қисмидаги сирли белгилари беихтиёр киши диққатини ўзига жалб этади.

Ҳазорасп маҳаллий аҳоли томонидан Девсалган номи билан машҳур қадимий қалъа харобалари остидан топилган ушбу ноёб топилмани, Урганч давлат университети доцентлари Қурбонбой Собиров ва Фазилат Иброҳимовалар шундай шарҳлашади:

"Ушбу кўза синиғида акс этган сирли ёзув белгилари эрамиздан минг йиллар аввал расм бўлган Финикия, оромий ва хоразмий ёзувларини эслатади. Айниқса, бурчаксимон шаклдаги белгилари эрамиздан 3 минг йиллар аввал пайдо бўлган миххат ёзувининг айнан ўзгинаси".

Бу ёзув тури икки дарё оралиғи бўлмиш Месопотамияда яратилган бўлиб, кейинчалик миххат оромий ва Хоразмий ёзувларининг пайдо бўлишига замин яратган. Ушбу ноёб сирли ёзув қадимги Хоразмга қўшни бўлган Эрон, Бобил (Ироқ), Миср подшоликлари билан доимий алоқалар мавжуд бўлганини кўрсатади.

Аммо бу ҳали якуний хулосалар эмас, бу битикларнинг сир-синоатини англаб етиш учун ҳали жуда кўп изланишлар олиб борилиши лозим. Агарда ушбу ёзув тўлиқ ўқиб чиқилса тарихнинг яна қанчадан-қанча саҳифалари ойдинлашиши мумкин.

"Олтин мерос" жамғармаси қошидаги экспедиция томонидан топилган мазкур сопол синиқлари шарқшунос археологлар А.Виноградов, М.Итина, Е.Неразик, Л.Левиналар раҳбарлигида 1972-1996 йилларда Туямўйин ҳавзасидаги қатор қадимий қалъаларда олиб борилган изланишлар пайтида топилган идишларга жуда-жуда ўхшаш.

Ажаб эмас, Туямўйин ҳавзаси, хусусан Ҳазорасп қалъасида кенг кўламда археологик тадқиқотлар, изланишлар олиб борилса, яна қанчадан-қанча сир-синоатлар ўз кашфини топган бўлур эди.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбири.**

Республикамизнинг энг йирик ва
нуфузли банкларидан бири
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
"ПАХТА БАНК"
Юртимиз аҳолисига энг
замонавий тўлов воситаси
бўлган
"СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ"ни
таклиф этади!




Карточка эгаларига йилига
42% даромад тўланади ва ҳар
ойда капиталлаштириш эвазига
пулларингиз йилига 51,1 % кўпаяди.
Имкониятни қўлдан бой берманг!
ПАХТА БАНК - ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!
Маълумот учун телефонлар: 78-10-32; 173-25-15; 41-55-23

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Б.ЁҚУБОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 22.15 Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6